

Олтин олма,
билим ол,
Билим олсанг,
билиб ол.

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 27-oktabr, chorshanba № 84 (8317) ISSN 2010-6416

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 октябрь куни Оқсаройда Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атияни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Қатар Давлати икки томонлама муносабатларни ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлади.

— Авваламбор сиз, ҳурматли меҳмонимизни Ўзбекистон заминидан кутлашдан, сиз орқали Қатар Амири Зоти Олийларига ўзимнинг чуқур эҳтиромимни ҳамда Қатар

Давлатига ташриф буюришни тақдирлигимни учун самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан мамнунман. Мамлакатнинг табиий бойликлари ва ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шубҳасиз, давлат ва ҳукумат раҳбарларининг асосий вазифаларидандир. Табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодий модернизация қилиш, инновацион технологияларни жорий этиш юксак самаралар бери-

шини Қатар Давлати мисолида кўриш мумкин. Бу ҳар жиҳатдан эътиборга сазовордир, — деди Ислон Каримов.

Ўз навбатида Қатар Давлати Бош вазирининг ўринбосари, энергетика ва саноат вазири Абдулла бин Ҳамад ал-Атия самимий қабул учун Ислон Каримовга миннатдорлик билдириб, ўз мамлакатини барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

— Қатар Давлати Амири Зоти Олийлари Ўзбекистон билан алоқаларни мустақамлашга алоҳида эътибор беради. Биз Сизнинг мам-

лакатимизга бўлажак ташрифингиз ҳар томонлама самарали бўлишига ишонамиз. Тошкентга келишдан аввал Сизнинг китобларингиздан бирини катта қизиқиш билан ўқиб чиқиш шарафига муяссар бўлдим. Унда Сиз суверен давлат қуришнинг кўплаб муҳим жиҳатларини беш бош тамойил асосида атрофлича кўрсатиб бергансиз. Шу билан Сиз, Президент Жаноби Олийларининг доно ва прагматик раҳбар эканлигингизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим, — деди меҳмон.

(Давоми 2-бетда.)

ЭЪТИБОР ИШЛАШГА УНДАЙДИ

Ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос дарс ўтиш услуби бор. Унинг самарадорлиги ўқувчиларнинг фандан олган билим кўрсаткичлари билан изоҳланади. Чироқчи туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Бобоева ҳар бир дарсига олдиндан пухта ҳозирлик кўришни одатга айлантирган. "Болалигим — пошшолигим", "Болалар ҳуқуқлари конвенцияси", «Биз мустақил юрт фарзандимиз», "Касбим — фахрим", "Инсон хавфсизлиги — умр фойдаси" каби мавзулардаги очиқ дарслари туман мактаблари миқёсида оммалаштирилган. У замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб, ҳар бир дарсга ижодий ёндашади. Ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, унинг ўқувчилари турли танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Ўтган ўқув йили Шоҳаббос Бекмирзаевнинг "Кичик олимпиада"нинг вилоят босқичида "Энг истеъдодли ўқувчи" номинациясини қўлга киритиши мактаб жамоасига қувонч олиб келди.

— Ўқитувчи ўз устида кўпроқ ишлаши керак, — дейди Н.Бобоева. — Бошланғич синф ўқитувчисига бу



талаб янада қатъийроқ қўйилади. Чунки ўқувчининг асосий билими бошланғич таълимда олинади. Уларни мавзуга қизиқтира олсангиз, машғулотга тайёрланган ҳар қанча вақтингизга рози бўласиз.

Йигирма тўрт йиллик педагогик тажрибага эга муаллиманинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки муносиб қадрланиб, «Ўқитув-

чи ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

— Бундай юксак унвон билан тақдирланганимдан беҳад хурсандман. Бу хабарни эшитиб, қувончим ичимга сиғмай, кўзимга ёш келди. Бундан руҳланиб, қувватланиб янада яхшироқ ишлашга бел боғладим, — дейди Нодира Бобоева.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган
суратлар.

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

**ШАХСГА
ЙУНАПТИРИЛГАН
ТАЪЛИМ
УНИНГ ЎЗИГА ХОС
САМАРАЛИ
ВА МУАММОЛИ
ЖИҲАТИ
НИМАДА?**

3-бет

**ИЛМИЙ
ИЗЛАНИШ
ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТНИ
ТУЛДИРАДИ**

7-бет

**ВАҚТ ВА
ТЕЗЛИК:
АЗАЛЛИЙ
ТУШУНЧАЛАРИНИНГ
ЯНГИЧА
ТАЛҚИНИ**

12-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қатар Давлати Ўзбекистон билан қарор топаётган муносабатларга устувор аҳамият бериб; мамлакатимиз раҳбариятининг минтақавий ва халқаро миқёсда юритаётган оқилона ва самарали сиёсатини юксак қадрлайди. Ўзбекистон ва Қатарнинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга интилиши муштарак бўлиб, бу савдо, сармоя, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникациялар ва сайёҳликни қамраб олади. Яқинда Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида икки мамлакат ишбилармон доиралари ва тадбиркорларининг бизнес-форуми ўтказилгани ва унда икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олингани бунинг тасдиғидир. Қатарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилди ва Доҳа университетиде унинг тақдироти бўлди.

Қатарда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Мовароуннахрнинг буюк алломаларига ҳурмат-этибор катта. Бу омил икки мамлакатнинг гуманитар соҳадаги алоқаларини ривожлантириш учун мустақкам замин ҳисобланади.

Мамлакатимиз раҳбари яқин-

да Туркменистонга расмий ташрифи асносида Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар йўналишидаги Ўрта Осиё минтақасини Форс кўрфази давлатлари билан боғлайдиган транспорт коммуникациялари коридорига оид истиқболли лойиҳани ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Бу ташаббус кўплаб мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон билан Қатарни бир-бирига яқинлаштирадиган яна бир муҳим жиҳат бор. Етакчи халқаро молия институтларининг баҳосига кўра, бугун миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича йирик лойиҳаларни амалга ошираётган Ўзбекистон ва Қатар иқтисодиёти энг жадал ривожланаётган мамлакатлар бешлигига киради. Икки мамлакат ҳам экспортда хомашёнинг улушини қисқартириб, тайёр маҳсулот ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Катта сармоявий салоҳиятга эга бўлган «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳам қатарлик сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетиде Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Олий таълим халқаро фанлар академиясининг Ўзбекистондаги бўлими, Навоий кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, Ўзбекистондаги жаҳон банки ваколатхонаси, Тошкент давлат техника университети, Стратегик инновациялар ва информатизация маркази, «Ўзбекўқувавтомастика» республика маркази ташкилотчилиги ва ҳамкорлигида «Инновация-2010» XV халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Ҳозирги даврда инновация ижтимоий-иқтисодий жараёнларни янада

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ МАЪРУЗАЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланди. Бу соҳада амалга оширилаётган кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқариш тармоқларида иш юритишнинг замонавий технологияларини қўллашга қаратилган. Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, маҳсулотлар сифатини ошириш, унинг экспортбоплиги, импорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши, валюта захираларини тежаш ва жамғарилишида инновацион технологияларнинг муҳим ўрни бор.

Саноат ишлаб чиқариш вакиллари, олимлар, тадқиқотчилар, тадбиркорлар, педагоглар, иқтидорли ёшлар ва уларнинг устозлари, хорижий мамлакатлар мутахассислари қатнашган ушбу анжуман муҳим вазифа, инновацион ривожланиш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилди.

Анжуманда Стратегик инновациялар ва информатизация маркази директори профессор О.Қодиров, украиналик профессор А.Верлань ва бошқаларнинг «Миллий инновацион тизимнинг синергетик жиҳатлари», «Ўзбекистоннинг катта чуқур конларида бурғулаш ишлари ривожланишининг асосий муаммолари ва ечимлари», «Иқтисо-

Xalqaro anjuman


дий ривожланишнинг инновацион модели» сингари долзарб мавзудаги маърузалар тингланди. Ялпи мажлисда сўзга чиққан россиялик профессор В.Антропов, доцент А.Краснов, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университетининг Тошкентдаги филиали кафедра мудири, профессор В.Рибальченко ўз маърузаларида ногуманитар олий ўқув юртларида инсон фаолиятининг турли жабҳаларини қамраб олувчи инновацион жараёнларда фаол ишлайдиган ҳар томонлама ривожланган етук кадрлар тайёрлашга

эътиборни қаратдилар. Шу масала бўйича савол-жавобларда, давра суҳбатларида тажриба алмашинди, умуминсоний кадрятлар юзасидан фикрлар билдирилди.

Анжуман кунлари «Ёшлар ва таълим муаммолари», «Иқтисод соҳаларидаги инновацион жараёнлар», «Ёнилги-энергетика, минерал хомашё ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари ечими учун инновацион усуллар ва технологиялар», «Кончилик иши ва металлургия», «Объектлар ва технологик жараёнларни автоматик ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари», «Математик моделлаштириш ва тизимли таҳлил», «Информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари, Информацион хавфсизлик муаммолари», «Сув — чўллар — экология: муаммолар ва ечимлар» йўналишлари бўйича шўьбаларда 200дан ортиқ маъруза ва бошқа илмий-амалий чиқишлар тақдим этилди.

«Инновация-2010. Илмий мақолалар тўплами» нашр этилиб тарқатилганлиги, нафақат анжуман кунлари, балки ундан кейин ҳам тадқиқот ишларида, тажриба алмашишда асқотади. Илмий-амалий ва тарбиявий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ



С.Раҳимов туманидаги 22-мактабда филология йўналишидаги фанлар ойлиги муносабати билан ташкил этилган «Устоз-шогирд ҳамкорлиги» ўқув-амалий семинарига тажрибали устозлар, йилнинг энг яхши фан ўқитувчилари тақлиф этилди. Дастлаб тумандаги 119- ва 146-мактабларнинг она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари томонидан замонавий педагогик технология асосида олиб борилган очик дарслар кузатилди.

Шундан сўнг, Тошкент шаҳар ХТББ методисти З.Азимбоева, туман ХТБ она тили ва адабиёт фанлари методисти Н.Солиҳова таълим сифатини оширишда фан ойлигининг роли, очик дарсларнинг аҳамияти хусусида фикр билдирдилар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Оқолтин туманидаги 3-мактабда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги муносабати билан байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда «Баҳру байт», «Мақол, топишмоқ, тез айтиш», «Эркин мавзу» каби шартлар бўйича 1—7-синф ўқувчилари ўзаро беллашилди. 3-синф ўқувчилари томонидан ижро этилган «Дўппи тикдим» кўшиги ҳамда 5-синф қизларининг «Гул» рақси йи-

рилганларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирланишди.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ.
Сирдарё вилояти.

Oktabr — Filologiya yo'nalishidagi fanlar oyligi

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРАЛИГИ ОШМОҚДА

Бухоро шаҳридаги 2-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчиси М.Азимова фан ойлигида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Илм масканимизда ҳам филология йўналишидаги фанлар ойлиги 4 йўналишга мўлжалланган тадбирлар режаси асосида юқори савияда ўтапти. Фан ойлиги аввалида шўьба аъзоларидан М.Файзиёва, Д.Маҳмудова, Б.Ражабова, С.Бақрова томонидан қизиқарли кечалар ташкиллаштирилди. Ҳар бир синфдан кириш тестлари олинди. Таҳлиллар асосида ўқувчиларнинг филология йўналишидаги фанлар бўйича дастур доирасидаги назарий ва амалий билим савиялари аниқланди.

Бошланғич синфлар ўртасида «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Ўзбек тили — давлат тили» мавзуларида суратлар танлови ўтказилди. Юқори синф ўқувчиларимиз тайёрлаган деворий газета ва кўрғазмалар, рефератлар мазмуни ҳам «Мен ёқтирган асар», «Ўзбек тили — жону дилим», «Буюк алломаларни ёд этиб» мавзуларини ўзида муржавам этди.

Фан ойлиги дастурининг II йўналиши доирасида «Тилга эътибор — элга эътибор», «Истиқлол ва ўзбек тили таълими», «Тил — дил таржимони» каби қатор мавзуларда интерфаол усулларга таянган намунали очик дарс машғулоти ўтказилди.

Сора ТОШЕВА.

Бухоро вилояти.

"Баркамол авлод йили"
Давлат дастури асосида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, таълим соҳасидаги ислохотлар ва у асосда фарзандларимизнинг замонавий шарт-шароитларда таълим-тарбия олишлари учун яратилган қулайликлар эътиборга молик. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида мустақкам ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Аммо узлуксиз таълим тизимида шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаш ва уни амалга ошириш ўзига хос илмий-амалий педагогик изланишни тақозо этади.

Айтиш жоизки, бу мавзу бўйича ишлар турли хил конференцияларда муҳокама қилинаётгани кишини қувонтиради. Чунончи, яқинда Самарқандда бўлиб ўтган "Ўзбекистон таълим тизими ва уни ривожлантириш истиқболлари: Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда" мавзусидаги халқаро илмий конференцияда ҳам шахсга йўналтирилган ўқитиш бўйича маърузалар тингланди. Шу ўринда педагогикада шахсга йўналтирилган таълимнинг долзарблигини ҳисобга олиб, қуйида айтилган услубнинг моҳиятини кенгроқ тадқиқ этиш ва бу борада қилиниши керак бўлган ишларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўқитишда шахсга йўналган ёндашувнинг моҳиятини тушуниш учун уни аънанавий, ҳозирги вақтда энг кўп қўлланилаётган усул билан таққослаймиз (жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўринадики, шахсга йўналтирилган ўқитиш аънанавий ўқитишдан тубдан фарқ қилади.

Машхур психолог И.Якиманскаянинг ёзиши бўйича "Шахсга йўналган ўқитиш — бу



ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМ

унинг ўзига хос самарали ва муаммоли жиҳати нимада?

шундай ўқитиш, унинг марказида ўсмирнинг шахси ётади, унинг турмуш тарзи, ўз-ўзини баҳолаши, субъектив тажрибаси аниқланади, сўнгра у таълим мазмуни билан мослаштирилади".

Шахсга йўналтирилган ёндашувни амалиётга киритиш учун унинг асосида ётувчи технологияларни билиш керак. Бунда матнлар, дидактик материаллар, услубий тавсиялар, ўқувчининг шахсий ривожланишини назорат қилиш формалари, яъни шахсга йўналтирилган ўқитишнинг бутун дидактик таъминотини ишлаб чиқиш талаб этилади ва унга қуйидаги талаблар

қўйилади:

— ўқитиш жараёнида ўқувчиларга бериладиган билимларнинг илмий мазмунига мос бўлишига эришиш;

— ўқиш жараёни, мазмуни ва формасини ўз-ўзича баҳолайдиган ўқувчини рағбатлантириш, яъни ўқувчининг мустақил таълим олиши, ўз-ўзини ривожлантириши, ўз фикрларини эркинлаштиришига эътибор бериш;

— ўқувчиға ўқув материални тузиш ва ташкил этишда эркинлик бериш;

— назорат ва баҳолашда ўқиш жараёнининг ташкил этилишига эътибор қаратиш.

М.Кларин гуманистик психо-

логияга асосланган чет эл тажрибасини умумлаштириб, бир неча ўқитиш моделлари — изланишли, системали тадқиқот, ўйин ва мунозарани алоҳида ажратади.

Бу моделларнинг мазмуни таълим жараёнида шахсга йўналтирилган ўқитиш услубини амалиётга татбиқ этишга қаратилган. Унда ўйин ва мунозара усулидан фойдаланиш шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллашда катта имконият беришига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, ҳар бир дарсда аънанавий ўқитиш усулидан воз кечиш, ўйин ва мунозара усулидан фойдаланиш машғулот давомида ўқитувчи яккахокимликка чек қўйиб, ўқувчини эркин фикрлашга, билмаганини энг аввало ўзи тушуниб, фаолликка интилишга рағбат уйғотади. Қуйида халқаро конференцияда мутахассислар томонидан муносиб баҳоланган ўйин ва мунозара усулида ташкил этилган дарсдан намуна келтирилмоқда:

Дарснинг мақсади:

1. Ўқувчиларни ҳозирги замоннинг глобал муаммоси — энергетик инқироз билан таништириш.

2. Бундай шароитда инсоният олдида турган вазифаларни таҳлил қилиш.

3. Ўқувчиларда бу масала бўйича танқидий фикрларни ҳосил қилиш.

Тарбиявий мақсади:

1. Ўқувчиларда ахлоқий принцип ва фуқаролик позициясини ҳосил қилиш.

2. Демократик жамиятда ҳаётий фаолият кўникмаларини тарбиялаш.

3. Бағрикенгликни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи мақсади:

Ўқувчиларда илмий тадқиқотчилик ва ижодий қобилият кўникмаларини ҳосил қилиш, олинган билимларни умумлаштириш ва системага келтириш кўникмаларига эга бўлиш.

Сўнгра синф икки гуруҳга ажратилади, гуруҳ сардорлари белгиланади.

Биринчи гуруҳ — энерге-

Dolzarb mavzu

тик инқирознинг мавжудлигини тан олувчилар, **иккинчи гуруҳ** — энергетик инқирозни ҳал этувчилар бўлиб, улар бир-бирига савол билан мурожаат қиладилар.

Биринчи гуруҳ энергетик инқироз бўлиши шартлигини исботлашга ҳаракат қилади, чунки:

— табиий ресурслар тугайди ва аънанавий энергия манбаи сўзсиз тамом бўлади;

— бутун жаҳон бўйича энергия ишлаб чиқарувчи корхоналар кўпаяди;

— техноген табиий офатлар сони йилдан-йилга ошиб боради;

— ҳозирги жамият — бу истъмолич жамиятдир.

Ҳал этувчи гуруҳ энергетик инқирознинг олдини олиш мумкин, деб ҳисоблайди, бунинг учун:

— аънанавий энергия манбаси ишлаб чиқувчи корхоналар яратиш;

— янги типдаги энергия манбаи — термоядро синтезига асосланган энергия манбаи ишлаб чиқиш;

— энергия исрофгарчилигига йўл қўймастик ва уни тежаш йўлини ахтариш.

Дарсда фикрлар хилма-хиллиги вазияти юзага келтирилгани машғулотнинг жонли ўтишини таъминлаши баробарида янгидан-янги маълумотларга эга бўлиш ва яқинда зарур хулоса чиқарилишига асос бўлди. Бунда ҳар бир ўқувчи фаолликка интилиб, ўз фикрини далиллар билан исботлашга интилади. Мана сизга педагогик технологияни қўллашнинг аҳамияти.

Айни пайтда халқаро тажрибада шахсга йўналтирилган таълим модели ёрдамида новаторлар ва психологлар тайёрланмоқда. Уларнинг концепциясида ўқувчининг ривожланиши ва тарбиясига алоҳида урғу берилади.

Таъкидлаш ўринлики, таълим тизимида шахсга йўналтирилган ёндашувни татбиқ этиш жараёнида бирмунча мураккабликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан:

— шахсга йўналтирилган ёндашув бўйича тушунчаларнинг турли хиллиги;

— ўқитувчиға мўлжалланган маълумотларнинг камлиги;

— умумий ўрта таълим мактаби ва олий таълим муассасаларининг етарли дидактик воситалар билан таъминланмаганлиги;

— ўқитувчиларни тайёрлашда ва малака ошириш институтларида бу мавзу бўйича курслар ўқитилмаслиги;

— ўқувчиларнинг бу йўналиш бўйича таълим олишга тайёр эмаслиги.

Ушбу муаммоларга ечим топиш учун илмий-амалий конференциялар, мунозаралар ташкил этиш, педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлари ва малака ошириш институтларига бу мавзу бўйича тегишли курслар киритиш зарур бўлади. Дарсликлар, дидактик материаллар ва методик қўлланимлар яратиш, ўқитувчиларни чет эл олий ўқув юртларига тажриба алмашишга юбориш ҳам бугунги куннинг долзарб масалалари сирасига қиради.

О.ҚУВОНДИҚОВ,
Самарқанд давлат университети умумий физика кафедраси мудири, профессор

	Аънанавий ёндашув	Шахсга йўналтирилган ёндашув
Мақсадга йўналтириш	Дастурни бажариш, билим, кўникма ва малакага эга бўлиш. Шахсни аввалдан белгиланган характеристика билан тарбиялаш.	Шахснинг ўз-ўзини ривожлантиришига шароит туғдириш, ўқитишда ўзининг индивидуаллик хусусиятини ахтаришга эътибор бериш маҳоратини тарбиялаш.
Устуворлик	Дастурлар, дидактик воситалар	Ўқитувчининг шахси, ўз-ўзини баҳолаш, унинг субъектив тажрибасини ҳисобга олиш.
Бош омил	Ўргатиш, ўқитиш	Таълим (жараён)
Бош субъект	Ўқитувчи	Ўқувчи
Иккита тажриба (индивидуал ва тарихий)нинг ўзаро таъсири	Ижтимоий-тарихий тажриба индивидуал тажрибани сиқиб чиқаради. Индивидуаллик ижтимоий тажриба билан кўшилиб кетади.	Индивидуал тажрибани доимий қўллаш, уни ижтимоий-тарихий тажриба билан мослаштириш.
Шахсни ривожлантириш, унинг ижтимоийлашувини таъминлаш	Норматив фаолиятни эгаллаш йўли билан	Субъектив тажрибани ўзгартириш орқали субъектив тажриба шахс ривожланишига манба деб қаралади.
Тамойиллар	Илмийлик, мантқиқлик, қулайлик, кўргазмалилик ва ҳ.к.	Ҳаётни дарсда давом эттириш. Хурсандчилик, дўстлик, қувноқлик муҳитини ҳосил қилиш, эркинлик ва мажбурий бўлмаган принцип. «Мен» концепцияси. Тажрибага таяниш.
Метод	Ўқитиш (мажбурий)	Таълим, ўқиш фаолияти натижаларини шахсий сферага ўтказиш.
Мотивация	Ташқи	Ички
Муносабат	Субъект-объект	Субъект-субъект

Ўқитувчи маҳоратини белгилайдиган асосий мезонлардан бири — дарсларни қанчалик даражада самарали ташкил этиши билан боғлиқ. Бу эса мутахассислар томонидан дарслар таҳлил қилинганда аниқланади. Методист ва дарс ўтувчи ўртасида ижодий ҳамкорликка асосланган ушбу жараёнда мавжуд камчиликлар ўзаро, очиқ-ошкоралик руҳида тўлдирилади. Бир сўз билан айтганда, дарс таҳлили педагогнинг дарс ўтиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бунинг учун эса кузатувчи дарс таҳлилининг асосий таркибий қисмлари нима-лардан иборат эканлигини яхши билиши лозим. Хўш, улар нималардан иборат?

Ўқитувчининг дарсга қандай тайёргарлик кўрганини аниқлаш:

Ўқитувчида ўқув режа, дарс конспекти ва мавзу бўйича ишланмаларнинг борлиги, дидактик тарқатма материал ва кўргазмаларни қуролларнинг тайёрлиги машғулотга ҳозирликнинг асоси ҳисобланади. Лекин, таъкидлаш жоизки, ўқитувчининг машғулотга тайёргарлигини фақат шу билангина (дарснинг кириш қисмида) эмас, балки бутун машғулот мобайнида кузатиш ва таҳлил этиш лозим. Бу борада ўқитувчининг ижодий кўргазмалардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш маҳорати ҳам ҳисобга олинади керак. Дарснинг тахминий режалаштирилган лойиҳасини ишлаб чиқиш, назарий маълумот қисмининг амалий машғулот жараёнидан фарқли жиҳатларини кўрсатиш ёки технологик харитасини тайёрлаш каби ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мақсад ва вазифанинг қўйилиши. Ўқитувчи ҳар бир дарсга аниқ мақсад қўядими? Мақсад қанчалик тўғри белгиланган? Вазифалар аниқми? Дарс босқичлари учун вақтнинг тўғри тақсимланиши, мақсад ва вазифанинг ўқувчи ёши, имкониятига мос келиши мавзунинг тўлиқ ўзлаштирилишида эътибор талаб жиҳат ҳисобланади. Масалан, биология фанидан «Ўсимликлар олами» мавзуси мисолида дарснинг мақсади ва вазифаларини кўриб чиқамиз: ўқувчиларнинг ўсимликлар олами ҳақидаги билимларини ошириш, ўсимлик турлари ҳақида

янги маълумотлар бериш, табиат, атроф-муҳитни асраш, наботот олами ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирадиганлар (Методикада мақсад кўпинча вазифага айланади).

Ташкилий ишлар таҳлили. Бунда, машғулот ўтказилган хонанинг дарсга тайёрлиги — гигиеник талаблар: ўқув хонаси ва столнинг тозаллиги, ўқувчиларнинг кайфияти ва соғлиги, янги дарсга ҳозирлиги ҳамда энг асосийси, дарс жиҳозлари — бўр ва намланган латтанинг борлиги. Шунингдек, ўқитувчининг дарсга таратқилиши ва унинг ташқи қиёфасига ҳам

ижодкорлиги, услубий маҳорати, фанни нечоғли билиши ва дидактикаси кўзга ташланиши лозим. Ўқитувчининг илғор педагогик ва новаторлик тажрибалари ҳамда инновацион фаолиятда машғулот олиб боришига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда дарс мазмунини ёки дастурини аннотация шаклида куйидагича тавсия қилиш мумкин: масалан, ўсимликлар ҳақида тушунча бериш, уларнинг турлари ҳақида маълумотлар келтириш; ўсимликларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамиятини мисоллар орқали тушунтириш;

оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиши мумкин.

Психологик таҳлил. Бу таҳлилда, аввало, ўқувчиларнинг руҳий ҳолати, кайфияти, уларнинг соғлиги, жамоадаги соғлом муҳит, фанга бўлган қизиқишлари, дарс бераётган ўқитувчига муносабати, ҳозиржавоблиги, сезгир ва топқирлиги, идроки, янги ва аввалги материалларни эсда сақлашлари, образли ва мантикий тафаккурлари, фантазияси, масъулияти, қобилияти ва билим, кўникма ҳамда малакалар даражаси таҳлил этилади. Ўқитувчининг фавқуллодда вужудга келган вазиятдан ўз об-

тарбия турларидан қай бирига айнан шу дарсда кўпроқ эътибор берилди? Дарснинг тарбиявий таъсир самараси қандай бўлди каби саволлар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади. Шуни таъкидлаш керакки, ўқитувчининг нутқи дарс самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда овоздан тўғри ва ўринли фойдаланиш, мимика ва жестлар ҳам ўз ўрнида бўлиши кераклигига эътибор берилди.

Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси таҳлили. Дарс ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги натижасида юзага келувчи жараёндир. Бу ҳамкорликнинг қандай йўлга қўйилиши ва унинг самараси педагогнинг маҳорати ҳамда бу борада белгилаб олинган аниқ мақсад-вазифаларга боғлиқ. Ўқитувчининг ҳамкорликдаги вазифаси куйидагиларда намоён бўлади:

ўқувчиларни фикрлашга ўргатиши, кичик тадқиқотларга йўналтириши (якка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳда ишлаш кўникмалари ҳам алоҳида мазмун касб этади); ўқувчиларнинг аниқ факт ва материалларни ўрганиб, мулоҳаза юритиш, фикр билдиришни таъминлаши, уларнинг тизимли фикрлаш кўникмаларини шакллантириши; ўқувчиларни изланишга, муҳим маълумотни ёрдамчи маълумотлардан ажратиб олиш, мавзудаги асосий мақсадни қидириб топишга ўргатиш; ўқувчининг мустақил фикрини шакллантириши ҳамда тизимли тафаккур қилиш технологиясини ривожлантирувчи механизмлардан самарали фойдалани олиши.

Якуний таҳлил (ёки хулоса). Таҳлил якунида ўқитувчининг қандай мутахассис эканлиги бўйича фикрлар ва турли таклифлар, йўл-йўриқлар баён этилади, педагогнинг дарс ўтиш маҳоратини оширишга хизмат қилувчи омиллар тавсия қилинади.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА, А.Авлоний номидаги ХТҚТМОМИ кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент

ДАРС ТАҲЛИЛИ:

унда нималарга эътибор бериш зарур?

эътибор берилади.

Дидактик (ёки таълимий) таҳлил. Таҳлилнинг бу турида мавзунинг илмийлиги ва изчиллиги, оддийдан мураккабга томон йўналиши, кўргазмаллиги ва берилаётган билим, янги ахборотларнинг ҳаётийлиги, уларнинг жонли ва раво тилда очиб берилиши, таълим мазмунининг узвийлиги назарда тутилади. Бунда фойдаланилиши лозим бўлган адабиётлар ва манбалар, дидактик материаллар, ресурс ва воситалар ҳам тавсия этилади. Дарсда фақат ўқитувчи томонидан тайёрланган кўргазма материаллари эмас, балки ўқувчиларнинг ижодий ишларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Услубий таҳлил. Бунда ўқитувчи фаолиятининг икки томони: биринчидан, ўрганилаётган мавзунинг дастурда мўлжалланган соат давомида, қандай усуллар ёрдамида, ўқувчиларнинг ёши ва шахсий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда етказиб бера олиши, уларни ўйлашга, изланишга йўналтириши ва бунга шароит яратиши; иккинчидан, ўқитувчи сифатидаги тажрибалари қай даражада эканлигини намоён этиш ва олиши назарда тутилади. Ўқитувчининг фаолияти таҳлил қилинаётганда, унинг

ўсимликлар оламини асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш ва ҳоказо.

Дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш технологиясини тахминан мана шу кўринишда бериш мумкин:

дарс шакли: суҳбат, мунозара, амалий машғулот; дарс методи: жуфтликда ва кичик гуруҳда ишлаш; дарс воситалари: тарқатма материаллар, гербарийлар, видеолавҳалар; дарс усули: ёзма, оғзаки, кўргазмали; дарсни назорат қилиш тури: тестлар, саволлар орқали; дарсни баҳолаш: ўз-ўзини баҳолаш, якка тартибда баҳолаш, рағбат асосида баҳолаш.

Методологик таҳлил. Ушбу таҳлил асосида ўтилаётган мавзу мазмун-моҳиятига уйғун ҳолда жамиятда амалга оширилаётган ислохотларнинг ўқувчиларга етказилиши эътиборга олинади. Дунё янгиликлари, глобаллашув жараёнидаги ўзгаришларга муносабат ва бошқаларнинг дарс мобайнида қай даражада акс эттирилиши методологик таҳлилда ўз баҳосини топади. Бунда ўқитувчи бадий асарлар ва уларнинг намуналари, халқ

рўсини сақлаган ҳолда чиқа олиши, машғулот жараёнида иштирокчилар ҳолатини ҳис қилиши, ўзини бошқара олиши ҳам инobatга олинади.


Педагогик таҳлил. Таҳлилнинг бу тури анча мураккаб ва масъулиятли бўлиб, ўқитувчининг ташқи қиёфаси, ўқувчилар билан тил топиша олиш маҳорати, маданияти, одоби билан биргаликда дарс жараёнида умуминсоний тарбиянинг таркибий қисмларини ўқувчиларга бера олиши ва унинг нутқ маданияти ҳам назарда тутилади. Шунингдек, педагогик квалиметрия (касбий ривожланиш) — турли мавзуларни очишда педагогик маҳоратдан фойдалана олиш, мавзуга мос сунъий вазиятлар яратиб олиш ва ушбу вазиятларни таҳлил қилиш, педагогик деонтология (касбий ахлоқ одоби) — ўқувчилар билан мавзу доирасида мантикий фикрлар орқали мунозарага кириша олиш ва ана шу жараёнларни тўғри бошқариш каби-лар чуқур таҳлилга тортилади.

Энг асосийси, машғулот мобайнида ҳозирги кунда долзарб бўлиб турган миллий тарбия (экологик, иқтисодий, ахлоқий, жинсий, меҳнат, нафосат ва миллий истиклол ғоясини сингдириш) элементлари қандай амалга оширилади? Бу

ҚАДРИЯТЛАР ТАРҒИБ ЭТИЛИМОҚДА

Таълим муассасасида 9 йўналиш бўйича билимини мустаҳкамлаб, касб-хунар сирларини ўрганаётган 1225 нафар ёшларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари таълим-тарбия жараёни замон талабларига мос ҳолда ташкил этилганлигимиздан дарак беради. Ёшлар тарбиясига оид ўтказилаётган ҳар бир тадбирда ўқувчиларимиз фаол иштирок этмоқда. Коллежимиз Қарши шаҳрига яқинлиги боис, ўқувчи-ёшларимиз дарсдан бўш вақтларида вилоят марказий кутубхонасига, ўлкашунослик музейига, театр, спорт клубларига мунтазам қатнаб, изланишлар олиб боришади. Коллежда ёшларнинг пухта билим олиши баробарида, қизиқишига қараб касб-хунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилган.

Педагогик жамоамиз томонидан асосий эътибор ўқувчиларнинг назарий билимларини амалиёт билан уйғун равишда олиб боришга қаратилган. Тикувчилик йўналишида бугун 50 нафар қиз устозлари — Феруза Шомуродова, Моҳигул Қурбонова раҳбарлигида нафақат бичиш-тикишни, балки дизайн-



нерликни ҳам ўрганиб матолардан тайёрлаган янги шаклдаги замонавий либослари билан танлов ва кўргазмаларда фаол қатнашишмоқда.

Чилангарлик ва пайвандлаш устахоналари замон талаблари даражасида жиҳозланганлиги боис, бўлғуси усталарнинг ҳам меҳнати тез кўзга ташланмоқда. Улар томонидан ясалаётган уй-рўзғор буюмларига ҳатто буюртмалар ҳам келиб тушмоқда.

«Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчиси Аҳмад Бобоев ва АРМ раҳбари Гулжаҳон Насруллаева маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш орқали миллий қадриятларимизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишмоқда. Кутубхона фондидан ўрин олган 32512та китобнинг асосий қисми маънавият ва миллий қадриятлар руҳидаги адабиётлардир. Шунингдек, ўқитувчилар томонидан яратилган 94та электрон дарслик, 80та маъруза матни, 25та ўқув-услубий қўлланмадан китобхон ёшлар фойдаланиб, билимларини мустаҳкамлашмоқда.

Муродулла ЭРГАШЕВ, Косон саноат транспорт касб-хунар коллежи директори

«Коллеж устахонасида» янги рукни остида касб-хунар коллежларида фаолият юритаётган касбий таълим усталари ва касб-хунар сирларини ўрганаётган ўқувчи-ёшларнинг орзу интилишлари, улар томонидан амалга оширилаётган ихтирочилик, ижодкорлик ишлари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Бунда сиз ёшларимизнинг ўзига хос изланишларидан бохабар бўласиз.

Инсоннинг кўли гул, мўъжизалар яратишга қодир. У яратган ҳар қандай лойиҳа, янги ишланма ҳамisha атрофдагиларнинг эътиборини тортади. Хоҳ оддий сопол идиш, хоҳ заргарлик буюми — санъат асари бўлсин, унга қараб, муаллиф ёки уста иқтидорига баҳо берилади. Зотан, ҳамми хайратга солган дунёнинг етти мўъжизаси ҳам инсон даҳоси билан яратилган.

Сухбатдошимиз Азиз Эштемиров

академияда ўтказилган бирор тадбир борки, бизнинг иштирокимизсиз ўтмасди. Эсимда, мактабни битираётган йилим барча ишларимни — ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий безак берилган шиша ойналари билан ёш рассомлар ўртасида ўтказилган танловда қатнашиб, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли ўқишга қабул қилдим. Мана, шунга ҳам

Diqqat, yangi rukn: Kollej ustaxonasida

чак шаклидаги мозаикаларни териб чиқади. Бунда асосан ранглардан тўғри фойдаланиш керак. Дарсимизнинг иккинчи қисмида бизга рангли қоғозлар ўрнига кафел доначалари зарур бўлади.

— Мана бу (кўлидагини кўрсатиб) Жиззах шаҳар ёшлар ижодиёт марказининг макети, — дейди Азизбек Эштемиров. — Унда қирқдан зиёд хона мавжуд бўлиб, ҳар бир хонада



БУНЁДКОРЛИККА ИЛҲОМЛАНТИРУВЧИ КУЧ

бу ёш меъморлар қуражак биноларда мужассам бўлади

бу хусусда кўп ўйлайди.

— Мамлакатимизда Париждаги «Эйфель минораси»дек осмонўпар минора яратмоқчиман, — дейди у. — Баландлиги 300 м., оғирлиги 9 минг тонна келадиган бу иншоот мени кўп хайратлантиради.

Биз, ёшлар ҳам аждодларимиз сингари донғи дунёга кетган обидаларни кашф қилайликки, уни кўришга ошиқаётганлар кўпайсин!

Бола бошидан, деганларидек, Азиз ҳам болалигида қум уюмлари, гугурт доналаридан турли «уйчалар» ясашни хуш кўрарди. Бу ҳолатни унинг ота-онаси беэътибор қолдиришмади. Отаси уни Юнусобод дизайн касб-хунар коллежи томон етаклади. Коллежга келгач, Азиз уйлар макетини яратиш учун кўп ўқиши зарурлигини тушуниб етди.

Азизбек бизни ўз хунари билан батафсил таништириш мақсадида коллеж устахонасига бошлади. Биз кирган хонада «Ашё билан ишлаш» дарси ўтилатган экан. Хона ўқувчиларнинг ижодий ишлари билан безатилган. Бир томонда қуритиш учун қўйилган мозаикали ватман қоғозлари бўлса, бошқа ерда ўзида замонавийлик ҳамда миллийлик уфуриб турган уйлар макети.

Касбий таълим устаси Лаълихон Шарипова ҳам бир вақтлар шу коллежда таҳсил олган экан:

— Лойиҳаловчи-дизайнерлик касби менга аслида отамдан «юққан». Унга ўхшаган етук дизайнер бўлишни орзу қилгандим. Кейин Бадиий

тўққиз йил бўлибди. Ўқувчиларга меъморлик,

рассомликнинг сирларини ўргатиб келаяпман. Биласизми, бу касб инсондан сабртоқатни талаб қилади. Фақат иқтидорнинг ўзи етарли эмас. Шунданми, ўқувчилар орасида бу хунарни «кўтара олмай-диган»лар ҳам бор. Албатта, ёш бўлишига қарамай, ишни синчковлик, сабр-тоқат билан бажараётган йигит-қизлар ҳам кўпчиликини ташкил қилади. Айниқса, бир-биридан ўзишга ҳаракат қилаётган шогирдларимнинг ишларини кузатиб, улардан ўз соҳасининг устаси етишиб чиқишини умид қиламан.

— Бугунги мавзумиз: «Ранглар устида ишлаш», — дейди Лаълихон опа. — Машғулотни икки қисмга бўлдик. Биринчисида рангли қоғозлар ҳамда ватмандан фойдаланиб, деталлар устида амаллар бажарамиз. Айтайлик, бир ўқувчи Самарқанддаги Регистон обидасининг ташқи кўринишини ватман қоғозга чизади. Унга ранг бериш учун рангли қоғоздан кесиб олинган тўртбур-



истеъдодли ўқувчи-ёшлар ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, кандакорлик каби тўғарақларда ўз иқтидорини намойишлари мумкин. Келажакда ана шу каби ёшларни бунёдкорлик кучидан илҳомлантирувчи биноларни қурмоқчиман.

Азизбек Эштемиров асарлари билан Чехия, Польша, Туркия, Япония, Россия, Хиндистонда ўтказилган халқаро болалар расмлар кўргазмаларида юқори ўринларни эгаллади. У Ўзбекистон Бадиий академиясининг «Бунёдкорлик жараёнлари — мусаввирнигоҳида» кўригида «Энг яхши натортмент асари учун» Фахрий ёрлиги билан тақдирланган. Айни вақтда Азизбек «Келажак овози» республика танловига тайёргарлик кўрмоқда. У танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиб, биринчилиكنи кўлга киритибди.

Юнусобод дизайн касб-хунар коллежида Азизбек каби иқтидор эгалари кўп топилади. Юсуфжон Деҳқонов, Давлат Худойберганов, Сири-

на Халилова каби ўқувчилар яратган меъморий иншоотлар макети кўзни қувонтиради.

— Ёшларнинг яйраб ижод қилишлари учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди коллеж директори Барно Саитова. — Орзумиз ушалиб Мустақиллик байрами арафасида қуриб битказилган янги бинога кўчиб ўтдик. Коллежимизда барча шароитлар етарли.

Маълумот ўрнида Юнусобод дизайн касб-хунар коллежида ўқувчилар саноат дизайни, лойиҳаловчи дизайнер, сартарошлик ва декоратив косметика устаси, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-конструктори мутахассислари бўлиб чиқишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу йил коллежни 93 нафар ўқувчи битиради. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида «Ёшлик» МЧЖ, «ММ Best of all» МЧЖ ташкилотлари билан уч томонлама шартнома тузилган.

Ҳа, коллеж биносидан узоқлашарканман, йўл-йўлакай шоир қуйидаги байтлари ёдимга тушди:

**Олтининг харж билан
охир бўлар кам,
Хунар шундай ганжки,
камаймас ҳеч дам!
Уларнинг фарқини айтсам
агарда,
Хунар чашма эзур,
олтин-чи шабнам!**

Хулқар ФАРМОН қизи,
«Ma'rifat» муҳбири

Яқинда ота-онамнинг иши чиқиб қолганлиги туфайли бешинчи синфда ўқийдиган укамнинг мактабига, ота-оналар мажлисига боришимга тўғри келиб қолди. Мактабни кўрмаганимга анча бўлиб қолган экан. Кўзни қувонтирадиган даражада ўзгариб, жуда кўркам бўлиб кетибди. Айниқса, ёш болаларнинг бир хил

— Ўртоқжон, — деди шу пайт новчароқдан келган шериги, — ўша қоғозни анави яшиқка ташласанг ҳам бўларди-ку. Бу ерни ҳали ўзимиз тозалаймиз.

Музқаймоқхўр атрофидаги болаларга маъноли қараб олди-да, жавоб қайтарди: «Ие, «патриот» бўлиб қолибсанми, оғайни?» Атрофдаги болалар

қолди. Сўнг шартта бурилди-ю, мактабга кириб кетди.

Бу воқеани кузатиб турарканман, ичимдан зил кетиб, ғалати аҳволга тушиб қолдим. Дарвоқе, «патриот»ни ўзбек тилига таржима қилсак «ватанпарвар» деган маънони англади. Ажабо! Нега бундай улуғвор, жарангдор сўз кимнингдир ёқасига ёпишиб, уни

ўриндиқларида севги изҳорларини қолдиришни, ўқиш жойларидаги деворларни тепиб, бўёқларини кўчиришни, жиҳозларни синдиришни ўзларига «шараф» деб билишади.

Ота-оналар мажлисларида ўқитувчилар «болангиз фалон ёмон ишни қилди» дея қуюниб гапиришса ҳам, жигарбан-

ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТУШУНЧА

тафовут унутилиши мумкин(ми?)

формада шўх-шодон юришларини кўриб, менинг ҳам ўшалардек ўйинқароқ чоғларим эсимга тушиб кетди...

Танафус пайтида бир чеккада чуғурлашиб турган 4-5 нафар боланинг ўзаро сўхбат диққатини тортди. Тўлароқдан келган бир бола музқаймоқни ёб бўлгач, қоғозини бир чеккага улоқтирди.

«Ҳо-хо»лаб кулиб юборишди. Ҳалиги бола авжига мина бошлади:

— Сўзларингга эҳтиёт бўл, оғайни. Мактабда «патриот» деган ном билан машҳур бўлиб кетма тагин.

У шундай дея ўртоқлари билан уни масхаралаб нари кетди. Шунда «патриот» бошига зарба тушган одамдай жимиб

ёмонотликка чиқаришга хизмат қилди экан? Афсуски, бундай воқеага биринчи бор гувоҳ бўлишим эмасди. Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида жўшиб гапирамиз. Уларнинг кўз ўнгимизда ёмон одатларининг кўлайиб бораётганига эътибор бермай-миз. Бунинг натижасида айрим «пахлавон»ларимиз автобус

димизни сал койган бўла-миз-да, ичимизда «Боланинг кўнгли ўксимасин, ҳали ёш, шўхлиги бор», деб қўя қоламиз. Лекин ҳамма нарса ўз меъёри билан ўлчанишини орамиздаги айрим одамлар унутиб, ўзининг шахсий манфаатини устун қўяётганга ўхшайди.

Мамлакатимизда биз муло-

Kuzatuv

ҳаза юритаётган — Ватанга бўлган муҳаббат тушунчаси таълим-тарбиянинг асосий бўғини ҳисобланади. Ҳар қандай мамлакат тараққийнинг шаффофлигини, ундаги ёшларнинг билим савияси, ахлоқий мукамаллиги, энг муҳими, ватанпарварлик руҳида қай даражада суғорилганига қараб баҳолаш мумкин. Она тупроқда ўсаётган биргина гиёҳнинг ҳам умумий миллий мулк эканини ич-ичидан ҳис этиб турган халқдан турли хил бузғунчилик, ватанфурушлик каби тушунчалар мутлақо йироқ бўлади.

Биз уларга шундай тарбиявий йўл-йўриқлар кўрсатайликки, натижада уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатида ватанпарварлик аталмиш бинога пойдевор қурилиб бораверсин.

Ғиёсиддин УНАРОВ

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ

ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТНИ ТЎЛДИРАДИ

Устози олим бўлса...

Таълим соҳасига қаратилган юксак эътибор натижасида бугунги кунда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳам ўзининг юксак салоҳияти, ихтирочилик қобилиятини намойиш этаётган, шунингдек, илмий унвонларни қўлга киритаётган ўқитувчилар сони кўпаймоқда. Ўқувчиларга дарс бериш баробарида илмий тадқиқот олиб бораётган муаллимлар фаолиятида бу икки жиҳатнинг узвий, уйғун келадиغان, иш самарадорлигини таъминлайдиган томонлари бисёр, албатта. Шундай бўлсада, бир қарашда кишида айрим саволлар пайдо бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Илмий изланишлар педагог фаолиятида қанчалик аҳамият касб этади? Илмий даражага эга ўқитувчининг бошқа ўқитувчилардан фарқи нималарда кўринадими? Уларнинг муаммоси ва ютуқлари нимада? Шу каби саволларга жавоб олиш учун турли илм масканларида бўлиб, тадқиқотчи-ўқитувчилар билан суҳбатлашдик.

— “Марказий Осие”, хусусан, Ўзбекистонда экстремал (ўта иссиқ, ўта совуқ) шароитларда ишловчи фотоэлектрик қурилмаларнинг иш самарадорлигини ошириш, параметрларини тадқиқ қилиш ва янги конструкцияларни ишлаб чиқиш” мавзусида илмий тадқиқот олиб бораяпман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб физика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси тасарруфидаги физика-техника институти аспиранти Исроил Йўлдошев. — Юртимизда бир йилда 260 куёшли кун бўлади. Шунинг учун куёшдан келаётган ёруғликдан электроэнергия сифатида фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга. Изланишларим асосида куёш энергияси орқали мобиль телефонни қувватловчи қурилма ихтиро қилдим. Бу қурилма воситасида истаган турдаги телефон аппаратини қувватлаш имкони мавжуд. Юртимиздаги табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур. Бунинг учун, айниқса, ёшларни мустаҳкам билим эгаллашга, илмий изланишларга рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларимни ҳам фанга, кашфиётларга қизиқтириш мақсадида улар билан ўзим тадқиқот олиб бораётган институтга саёҳатлар уюштириб тураман. Бу уларда катта таассурот қолдиради. 9-синфда “Гелиотехника ва Ўзбекистонда Куёш энергиясидан фойдаланиш” мавзуси бор. Бу мен тадқиқот олиб бораётган мавзу билан

алоқадор. Шу каби мавзуларни тушунтиришда бир вақтнинг ўзиде институтда ва мактабда фаолият юритишим жуда қўл келади. Бундай ноодатий дарслар ўқувчиларнинг олган билимларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Ушбу саёҳатлар таъсирида иқтидорли ўқувчиларим чой қайнатадиган, таом пиширадиган қуёш қурилмаларининг модели ва бошқа шу каби деталларни яратишганди. 2010-2011 ўқув йилида ҳам шоғирдларимдан Жавоҳир Тўхтамура-

тадқиқотчи ўқитувчи ташаббуси билан “Ёш физиклар” тўғараги фаолият юритмоқда. Ўқувчилар кичик “кашфиёт”ларга ҳам қўл уришаётгани эътиборлидир.

Илмий иш ўқитувчига нима беради?

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, про-



фессор Мирфозил Мирзаахмедов ҳам илмий тадқиқотчилик фаолиятини кўп йиллардан буён умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув жараёни билан боғлиқ ҳолда олиб бормоқда.

— Тадқиқотчи ўқитувчи дарсликдан ташқари бошқа илмий адабиётлар билан ҳам кўп ишлагани боис, табиийки, дарсда ўқувчилар учун кўплаб янги маълумотлар беради, — дейди М.Мирзаахмедов. — Бу эса дарс самарадорлигини таъминлашда асосий омилдир.

Шу боис ҳар бир таълим муассасасида янгилик яратишга интилаётган фан ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мактаб раҳбарияти илмий тадқиқот олиб бораётган ўқитувчиларга материал топиш, китоб чиқариш учун молиявий томондан ёрдам бериши, унинг ижодий таътилга чиқилиши таъминлаши ҳамда ортиқча ташкилий ишлар билан банд қилиб қўймаслиги зарур. Мактабимизда илмий изланишлар олиб бораётган ўқитувчига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Яратилган ушбу имкониятларнинг самараси ўлароқ университет билан ҳамкорликда яқинда англиз-

фессор Мирфозил Мирзаахмедов ҳам илмий тадқиқотчилик фаолиятини кўп йиллардан буён умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув жараёни билан боғлиқ ҳолда олиб бормоқда.

— Тадқиқотчи ўқитувчи дарсликдан ташқари бошқа илмий адабиётлар билан ҳам кўп ишлагани боис, табиийки, дарсда ўқувчилар учун кўплаб янги маълумотлар беради, — дейди М.Мирзаахмедов. — Бу эса дарс самарадорлигини таъминлашда асосий омилдир.

Шу боис ҳар бир таълим муассасасида янгилик яратишга интилаётган фан ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга. Мактаб раҳбарияти илмий тадқиқот олиб бораётган ўқитувчиларга материал топиш, китоб чиқариш учун молиявий томондан ёрдам бериши, унинг ижодий таътилга чиқилиши таъминлаши ҳамда ортиқча ташкилий ишлар билан банд қилиб қўймаслиги зарур. Мактабимизда илмий изланишлар олиб бораётган ўқитувчига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилади. Яратилган ушбу имкониятларнинг самараси ўлароқ университет билан ҳамкорликда яқинда англиз-

ча-ўзбекча “Математик аталар лугати” нашр этилди.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни тарбиялашдаги ҳар бир ташаббус ва фаоллик юксак даражада қўллаб-қувватланмоқда. Бу илмий даражага эга муаллимнинг малака тоифаси юқорилиги, имтиёз ва шунга мос равишда маоши ҳам сезиларли даражада юқори эканлигида ҳам кўринадими. Илмга рағбати фан тараққиёти ва аҳоли фаровонлигига ҳам хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда ҳам, юртимизда ўқитувчи шахсини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор бу эзгуликларга қанот бўлмоқда, десак хато бўлмайди.

ТДИУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қошида иқтидорли болаларни рағбатлантириш мақсадида “Кичик академия” фаолият юритади. Бу академияни ташкил қилишдан болаларни ёшлигидан илмий фаолиятга жалб қилиш мақсади кўзда тутилган. Иқтидорли ўқувчилар имтиҳонлар асосида саралаб олиниб, йўналишлар бўйича устозларга бириктирилади. Улар керакли адабиётлар билан таъминланиб, чуқурлаштирилган дастур асосида билим оладилар. Ҳар йили апрель ойида ўқувчиларнинг илмий анжумани бўлади. Фанлар бўйича шўбаларга бўлиниб, уларнинг маърузалари тингланади. Аҳамиятлиси шундаки, ўқувчилардангина иборат катта илмий кенгаш тузилган. Масалан, ўтган ўқув йилида ўтказилган илмий кенгашда болалар ўзбек тилидан ташқари инглиз ва рус тилларида ҳам маърузалар қилишди. Сергели туманидаги 300-мактаб, Паркентдаги 5-мактаб ҳамда Термиз шаҳридаги 4-аниқ фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатидан ҳам ўқувчилар тақлиф қилинган.

— Бу йил ўқувчиларнинг ўзлари ташаббус билан чиқиб, қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Уларни рағбатлантириш мақсадида энг кучли ўқувчиларни саралаб, мактаб томонидан “Кичик фанлар академиясининг академиги” деган рамзий диплом топширишни режалаштирмоқдамиз. Шунингдек, ўқувчиларнинг энг сара маърузаларини танлаб, китобча чиқариш ниятимиз ҳам бор. Бу ҳам уларни руҳлантириш мақсадини кўзда тутаяди, — дейди Мирфозил Мирзаахмедов.

Мактабда ишлаганимда...

— “Оила турларининг ўсмирнинг ўз-ўзини баҳолашига таъсири” мавзусида илмий иш олиб бораяпман, — дейди яна бир тадқиқотчи, Низомий номидаги

ТДПУ психология кафедраси ўқитувчиси Манзура Жумабоева. — Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида ишлаганимда ўсмир, яъни 5—9-синф ўқувчиларини кўп кузатдим. Дарс бериш жараёнида баъзи муаммоли вазиятларга дуч келдим, натижада айнан шу ёшдаги ўқувчиларнинг руҳий жиҳатларини ёш, жисмоний хусусиятларидан келиб чиқиб илмий ўрганишни мақсад қилдим. Бу давр психологик адабиётларда ўтиш даври, оғир, қийин давр сифатида талқин қилинади. Ўсмир организмиде ҳам физиологик, ҳам психологик, ҳам ижтимоий ўзгаришлар содир бўлади. Таълим-тарбия беришда шу ўзгаришларни инобатга олиш жуда муҳим. Негаки, бу ёшда, айниқса, чуқур руҳий ўзгаришлар юзага чиқади ва бу асаб тизимига кучли таъсир кўрсатади. Агар биз ўсмир ўқувчилардаги барча ўзгаришларни ҳисобга олиб, уларни шахс сифатида қўллаб-қувватлай олсак, фанларни ўзлаштиришдаги фаоллиги ортишига ва атрофдагилар билан тўғри муомала қилиш маданиятини шакллантиришларига ёрдам берган бўлардик. Ўқитувчилик фаолиятим орқали тадқиқот жараёнида ўқувчилар билан мuloқот қилиш борасидаги билим ва кўникмаларимни янада мустаҳкамладим, дея оламан.

Табиийки, илмий иш олиб бораётган ўқитувчида ҳам оиладаги вазифаларини бажариш, ҳам тадқиқот олиб бориш қийинчилик туғдиради. Иккаласига ҳам вақт топиш масаласи кўндаланг бўлади. Бу муаммони ҳал қилиш учун эса тадқиқотчи ўқитувчиларимизнинг эътирофига кўра, ўқитувчидан вақтини аниқ режа асосида тақсимлаш, шунингдек, оила аъзолари, ён-атрофдагиларнинг руҳан, маънан қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамиятга эга.

Илмий даража ҳаётда ўз ўрнини, мавқеини мустаҳкамлашга ҳам замин яратади. Шунинг эътирофи этиш лозимки, илмий даражаси бўлмасида, катта тажрибага эга, юқори савияда дарс ўта оладиган ўқитувчилар ҳам талайгина. Агар шундай ўқитувчилар тадқиқот ишлари олиб бориб, ўз устларида кўпроқ ишлашса, педагогик маҳоратларини янада ўстириб, дарсларни янада маълумотларга бой, қизиқарли ташкил эта олишлари аниқ. Бугунги кун ҳам муаллимдан доимий изланишни, маълум бир даража билан кифояланиб қолмасликни талаб қилади.

Ғолиб БАХРОМОВ,
“Ma'rifat” мухбири



Доцентлар Т.Ташпўлатов ва Я.Фафуровнинг "Тарих ўқитиш методикаси" дарслигида фундаментал муаммо — тарихий факт ва тарихий манбаларга том маънода илмий ёндашиш фаннинг назарияси ва методикасини белгилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этишга эътибор қаратилган.

Дастлабки боб "Тарих ўқитиш методикасининг илмий педагогик фан сифатида шаклланиши ва тарқийёти"га қаратилган бўлиб, унда тарих ўқитиш методикаси фаннинг роли таҳлил этилиши баробарида машҳур мутафаккирларнинг

ТАРИХ ҲЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

бу муаммони қандай шарҳлаганликлари хусусида гап боради.

Шунингдек, дарсликда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарих фанини ўқитишга бўлган янги муносабатлар алоҳида кўрсатиб ўтилган. Маълумки, бугунги кунда дарс самарадорлигини ошириш (IV боб)нинг илмий-услубий ва дидактик негизларига талаб кучайтирилган. Лекин дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш учун айнан мавзуга доир муаммоли таълимни ташкил эта билмаслик дарс жараёнида даврий матбуот ва бадиий адабиётлардан фойдаланишдаги камчиликда намён бўлмоқда. Айнан ана шу ҳолатлар муаллифлар томонидан мисоллар билан кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда тарих ўқитишнинг шаклланиши ва тарихий билимларни ривожлантиришда тарихий фактлар, тарихий тушунча ҳамда тасаввурларнинг ўрни (V боб) ало-

ҳида аҳамиятга эга. Чунки тарихни билиш жараёни тарихий фактларни ўзлаштиришдан бошланади. Тарихий фактлар сон-саноксиз бўлиши мумкин. Бироқ тарих ўқитиш жараёни самарали олиб бориш учун уларни аниқ белгилаб олмақ зарур.

Узоқ ўтмишдан маълумки, ҳар бир инсоннинг туғилиб ўсган маскани — Ватани унинг табиати ва тарихига қизиқишларини уйғота билиш, камол топтириш асосий омил ҳисобланади. Ана шундай омил ўз навбатида таълим тизимида ўрганиладиган фан асосларининг мақсад, мазмун ва вазифалари жамланшидан келиб чиқши лозим. Бу мақсад ва вазифалар дарсликнинг «Миллий қадриятни англамоқ Ватанин англамоқдир» деб аталган қисмида (VII боб) алоҳида таъкидланган.

Айни пайтда таълим жараёни инсонларварлаштириш, демократлаштириш ва интеграциялаштириш ғоясини изчиллик билан амалга ошириб бориш фаннинг

ўқитиш методикасига тарихийлик элементларини киритишни, билишнинг диалектик жараёни узлуксиз мантиқий алоқадорликда олиб бориш йўли билан амалга ошириб боришни тақозо этади. Ушбу жиҳатлар дарсликнинг "Таълим-тарбия тизимида тарихни ўрганишга интеграция ёндашишининг баъзи муаммолари" (IX боб) мавзуси орқали таҳлил этилган.

Интерфаол методнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади. Мазкур фаолият "Тарих таълимида янги педагогик технологияларнинг роли" мавзусида (XII боб) баътафсил баён қилинган.

Дарсликнинг аҳамиятли томонларидан яна бири, унда "Намуна дарслари" орқали тарих таълимнинг мақбул услубий жиҳатларини кўрсатиб берилганлигидадир.

С.АТАБЕКОВА,
тарих фанлари
номзоди

ҲАЁТИЙ ХУЛОСАЛАР

Ижодкорга илоҳий истеъдод «юқтирилган» бўлиши керак.

Техника фанлари доктори, профессор Эркин Қосимовнинг «Доноликка етакловчи сўзлар» номли



мўъжазгина китобини ўқиб, ушбу фикрга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.


Китобда муаллифнинг бутун ҳаёти, фаолияти давомида тўплаган тажрибалари асосида ёзилиб, ён дафтарида йиллар давомида йиғилган сўзлари

афоризмлар шаклида ўрин олган.

Албатта, ундаги жумлалар соф шоирона ёки файласуфона битилмаган бўлиши мумкин. Балки сатрлар тартиби ва техникаси адабиёт меъёрларига унчалик мос келмас. Аммо унда ҳаётнинг пасту баландини кўрган, яхши-ёмон кунларни бошдан кечирган ва кўзлаган мақсадлари сари тинмай меҳнат қилган оддий юртдошимизнинг хулосалари ифодаланган. Жумладан, «Гапиришни ҳамма ҳам билди, аммо ўз вақтида жим туриш ва керакли маслаҳат бера олиш доноликдан нишондир», «Тилингни ақлингдан олдин сўзлашига эҳтиёт бўл», «Бошқалар хатосини кечир, ўзингникини эса, кечирма!» каби фикрлар ўқувчини беихтиёр сергалантиради.

Китобдаги афоризмларда кўпроқ ота-онага муносабат, ақл, имон-этиқод, виждон, донолик каби мавзулар етакчи ўрин эгаллайди.

Соҳиба СОТИМБӨЙ
қизи



ДУНЁ ҲИҚМАТИ...

«Қатор ёпиқ эшикларни тасаввур қилинг. Ёзувчи сизни улардан ичкарига олиб киради. Яхши-ёмон ҳеч бир воқеага қизиқмасангиз, демак дунёга келмабсиз». Бу таниқли ёзувчимиз Омон Мухторнинг китобхонларга етказмоқчи бўлган сўзи. Дарвоқе, бу дунёда бир йўловчи бўлиб ўтиб кетмоқнинг ўзи катта йўқотиш эмасмикан?!

Таниқли адиб, Ўзбекистон санъат арбоби Омон Мухтор ўзининг

қиндагина чоп этилган «Хотин подшоҳ» дея номланувчи китобига «Эгилган бош», «Майдон» романларини ҳам киритган. Эзулик ва ёвузлик жанги мазкур романларнинг асосий мағзини ташкил этади. Улардаги тарихий ва ҳаётий манзаралар бетакрор рангин бўёқларда маҳорат билан баён этилган.

«Бу асарни ким тарихий, ким маърифий дейиши мумкин, — дея ёзади романлари хусусида ёзувчининг ўзи.




Дарвоқе, романларда акс эттирилган мавзулар тарихчилар, адиблар томонидан турли даврларда ёритишга ҳаракат қилинган. Лекин Омон Мухторнинг романлар устида ишлаш давомида узоқ тарихга тааллуқли ёзувлар, эски халқ ривоятлари, шунингдек, устозларнинг китобларига мурожаат қилгани китобнинг бадиийлиги ва ҳаётлигини янада оширган.

О.ОЧИЛОВА

БАҲОРИЙ САТРЛАР ГУЛДАСТАСИ

Аёл қалбини тушуниш қийин, дейишди. Ҳақиқатан ҳам шундаймикан? Шоира Мунаввара (Қурбонбоева) ўз ижод намуналарида ана шу саволларга жавоб излайди. Аёл юрагида кечадиган ўй-кечинмаларни содда ва самимий сўзлар билан ифодалашга интилади. Шоиранинг «Академнаш» нашриётида босилиб чиққан янги «Келдинми, баҳор» номли шеърий тўпламида ҳам инсоний туйғулар ҳақидаги баҳорий сатрлар ўрин олган.

Китоб «сўзбоши»сида Рустам



масъулиятимизни эсга солади. Ҳаётга меҳримиз тошиб, ёруғ ўйлар қуршовида яна шеър ўқишга тутинамиз.

С.МУЛЛАЕВА

«Сиз ўз турмушингиздан уялиб ва ўзингизга ачиниш яшашга мажбур эмассиз. Ҳар бир инсон ўз йўлини танлаб, ўзининг ҳаёт китобини ёзиши учун ақл ва иқтидор ато этилган. Мактабда таълим-тарбия олган даврингизда ўқиш ва ёзишни ўргангансиз. Фақат

недаги буюк мўъжиза», «Акабар Умиднома»си, «Яхши яшаш сири» каби 14та китоби дунёнинг 30дан ортиқ тилида миллионлаб нусхаларда нашр қилинди. Бу китоблардаги ҳаётий мисоллар, далиллар асосидаги тавсиялари миллионлаб кишиларни тўғри йўл танлашга, ўз


«ЯХШИ ЯШАШ СИРИ» СИЗНИНГ ҚЎЛИНГИЗДА

шу беназир қобилият ёрдамидагина сиз ўз ҳаётингизда мўъжиза яшашингиз мумкин, — деб ёзади «Яхши яшаш сири» китоби муаллифи Ог Мандино.

Дарҳақиқат, таниқли америкалик ёзувчи Ог Мандино (1923-1996) оғир дамларида билимига суянди, тинмай ўқиб-ўрганди, ҳалол меҳнат қилди, маънавий-маърифий тавсияларини китоб ҳолида чоп эттирди. Унинг «Ду-

куч-иқтидорига ишонишга, янада яхшироқ яшашга ўргатди ва хайрли иши дунё микёсида давом этмоқда.

«Ўтган иш ўтди, бўёғи ўчди. Сиз кечаги кун, ўтган ой ва бурунги йилларда учраган муваффақиятсизликларингизни ўзгартира олмайсиз. Бироқ сиз эртанги ва келгуси кунларингиз ўзингиз истаганингиздек муваффақиятли бўлиши учун кўп ишлар қилишингиз мумкин». Ҳа, муал-



лифнинг ўн еттита яхши яшаш қондасига кирган ана шундай умидбахш сўзлари сизнинг кучингизга куч, ғайратингизга ғайрат қўшади.

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижод уйида кўп нусхада нашрдан чиқарилган мазкур китоб Асрор Мўмин ва Баҳодир Комил томонидан ўзбек тилига ўғрилди.

Малика УБАЙДУЛЛАЕВА

МУСАВВИР ИЖОДИДА ЎҚИТУВЧИ СИЙМОСИ

Мусаввирларимиз ўқитувчи ва ўқувчилар қиёфасини меҳр билан тасвирлаб келишган. Ўзбекистон халқ рассомлари Абдулҳақ Абдуллаев ярим аср муқаддам машҳур педагог, маърифатпарвар Оқилхон Шарофиддинов портретини яратиб баробарида унинг сиймоси орқали ўқитувчининг эзгулик йўлидаги ўй-хаёлларини очиб берган бўлса, Раҳим Аҳмедов болалигидаги хотиралари асосида устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият хо-

дими, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ҳикмат Раҳмоновнинг беғубор, қувноқ қиёфасини меҳр билан тасвирлайди. Ёшларнинг меҳрибон дўсти, ўқитувчилик касбига меҳр қўйиб, минглаб болаларга таълим берган Ҳикмат Раҳмонов-

нинг ўзи ҳам синчков мусаввир эди. Тарихни яхши биларди. Кўп йил расм чизиб, мактаб, билим юрти ва тўғарақларда сабоқ бериб, ўнлаб ёшларни тасвирий санъатга қизиқтирди. Уни «Ёшлар мусаввири» дейишарди. Тўғарақда камон

чалаётган пайтимни маҳорат билан тасвирлаганлар, деб жўшиб-жўшиб сўзларди у кишини хотирлаб, шогирдларидан бири. Бунга жавобан эса Ҳикмат Раҳмонов кулиб: «Ўша оғир кунларда маърифатпарвар Абдулла Авлонийни кўп кўрганман.

У киши болаларни, илмга интилувчиларни ёқтирардилар. Ҳеч қандай ҳақ талаб қилмай, мактаб очганлар, болаларни ўқитганлар. Театр, матбуот, мактаб жонкуяри бўлиш билан бирга яхшигина шоир эдилар. Мактаб ва ўқувчи-ёшларга бағишланган шеърларини кўп ўқиганман» дердилар.

Ҳикмат Раҳмонов ижодида Абдулла Авлоний портрети алоҳида ўрин тутади. Бу портрет дарсликларга ҳам киритилган.

Маҳмуд АХМЕДОВ,
санъатшунос

МУРУВВАТ МАСКАНИ

Бухородаги болалар мурувват уйи тиббий-ижтимоий муассаса бўлиб, парваришга, тиббий хизматга ҳамда ижтимоий меҳнат кўникмасига муҳтож ақли заиф болаларга хизмат кўрсатади. Мамлакатимиздаги бта ана шундай тарбия масканининг бири саналган ушбу даргоҳда республикамизнинг Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Навоий ҳамда Бухоро вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасидан жами 165 нафар бола тарбияланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мурувват уйида болаларнинг яшашлари, таълим-тарбия олишлари учун барча қулайликлар муҳайё этилган. Тиббий бўлимдаги юқумли касалликлар қабулхонаси, муолажалар, физиотерапия, изолятор, статист хоналари тарбияланувчиларга хизмат кўрсатади.

— Муассасамизда тарбияланаётган болалар бошқа оддий тенгдошларидан мутлақо фарқ қилади, — дейди мурувват уйининг ўқувтарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Мавжуда Жўраева. — Шу боис ҳам бизда ишловчи тарбиячи ва энагалардан болаларга ўзига хос ёндашув, муомала маданияти талаб этилади. Бу ердаги имконияти чекланган, ақли заиф болаларни, уларнинг эммаклаган хатти-ҳаракатларини кўриб кинининг кўнгли эзилади. Агарда сен уларни ўз фарзандингдан-да

кўпроқ севиб, меҳр кўрсатмасанг, эркалатмасанг, улар сенинг айтганингни бажаришмайди. Шу боис ҳам биз тарбияланувчиларимизнинг қўл моторикасига катта эътибор қаратамиз. Улар қанчалик кўп у ёки бу юмуш билан машғул бўлишса, бармоқлари ҳаракатли турса, мия тугунаклари очилади ва қон айланиши яхшиланади. Айниқса, уларни тикишга, расм чизишга жалб этиш ҳам жуда фойдали.

Дарҳақиқат, мурувват уйи тарбиячиларининг бу тоифа болалар билан ишлаётгани, машғулотлар ўтаётгани, уларни эркалаб бағрига босаётганини кўриб, уларнинг меҳрибонлиги, сабр-бардошлилиги, фидойиллигига тасанно айтгинг келади. Буни дилдан ҳис этган жамоатчилик ҳам мурувват уйидан ўзининг беминнат ёрдамчини аяшмайди.

Бугунги кунга келиб 16та ҳомий ташкилот ва «Жондор — Жаҳонгир қурилиш» МЧЖ корхонаси томонидан коридор, омборхона, даволаш-гимнастика хонаси, ёзги чўмилиш ҳавзаси сифатли таъмирдан чиқарилиб, теваарак-атроф ободонлаштирилди.

Шунингдек, мурувват уйининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет маблағлари ҳисобидан 174 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ мешининг кўнгли эзилади. Агарда сен уларни ўз фарзандингдан-да

Ички имкониятлардан келиб чиқиб, мазкур муассаса ҳудудидаги ер ва боғлардан унумли фойдаланилмоқда. Етиштирилган сабзавот маҳсулотлари, меваларнинг бир қисми ошхонага кириб қилиниб сифатли овқат тайёрланаётган бўлса, қолгани қишга жамғариб қўйилмоқда. Бундан ташқари, 3 сотихли иссиқхонада етиштириладиган қишки помидор ҳосили, лимон ҳам овқат сифатини яхшилаш учун ошхонага ишлатилмоқда.

Ўтган қисқа муддатли фаолияти давомида мурувват уйи жамоаси ижобий ишлари билан республикамизда танилди. Ўтган ўқув йилида вилоят миқёсидаги «Юрагимни болаларга бағишлайман», «Балли, тарбиячи!» кўрик-танловларида мурувват уйи тарбиячиларидан Ҳилола Муродова, Шарофат Раҳмонова, Зарифа Гадовалар иштирок этиб, фахрли 3-ўринга сазовор бўлишди.

Яқинда мурувват уйининг 12 нафар тарбияланувчиларидан таркиб топган жамоа Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 7-паралимпия спорт ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб қайтди. Мусобақада вакилларимиз «Энг яхши футбол жамоаси», «Энг ёш иштирокчи», «Энг яхши иштирокчи» номинациялари бўйича ғолибликка эришиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Сора ТОШЕВА

Меҳмонга борганда бирон совғасалом олиб бориш керакми, ё йўқми? Кишилар бир-бирлариникига ташриф буюрганда ўртада «олди-берди» қилмасдан илож йўқ. Бу одат фақат ўзбеклардагина эмас, бошқа кўплаб халқларда ҳам бор. Халқимизнинг бу яхши одатини қоралаш ёки танқид қилиш расм бўлиб қолган. Тўйга, бирон йўғин ёки меҳмондорчиликка борганда совға олиб бориш аслида ёмон одат эмас. Чунки, бу мезбонга мадад бўлиб, унинг каму кўстларига ёрдам беради, десак муболаға бўлмайди. Эсдалик ёки туҳфа тариқасида бирор нарса келтирилган экан, буюм совға қилган кишининг яхшилиги ёки мададини узоқ вақтгача эслатиб турувчи воситага ҳам айланади.

Тўйга ва катта зиёфатларга қуруқ боришни меҳмон ўзига эп билмай-

ланиши мумкин. Сохта дўст дастурхонингиз устида тилёғламалик қилиб, бошқа жойда обрў тўкишдан ҳам тоймайди.

ВОҚЕА: автобусда икки аёлни кўрдим, улар қўлиридаги тоғораларини қия қилиб базўр чиқиб олишди. Бўшатишга жойга ўтиришди. Бири тугунини ечди-да, тоғорани титкилай кетди.

— Вой шўрим! — деди у лабини буриштириб. Қурумсоқлигини билувдим ўзи. Қаранг, овсин, ошни нақ ўн кишилик қилиб тепасига икки метр гирбдишинни қўйиб борибману, қайтариғини қаранг! Пуффласа Бухорога учадиган тўрт дона нону, яримта қатлама, бир лозимлик чит қўйипти-я!

Иккинчи аёл ҳам ўз тугунини апил-тапил очиб, бошини сараксарақ қилди-да, йўлдошининг фикрини маъқуллаб:

SOVGA-SALOM MUAMMOMI?

Fikr



ди. Индамай еб-ичиб кетавериш ўз хурматини билган меҳмонлар учун анча ноқулай. Шунинг учун, бироннинг уйига совға ёки харид билан бориш удуми азалдан ҳам бўлгани ва эндиликда у ҳаётга янада сингиб кетаётгани ҳақиқат.

Чинакам меҳмондўстлик таъмагирликка барҳам беради, бироқ сохта дўстлик берилган совға эвазига тузукроқ қайтариқ олиш илинжи асосига қурилган бўлади. Сохта дўстлик ошноликдан келиб чиқади. Балки айрим ёшларимиз «ошно» сўзининг маъносини англашмас ёки нотўғри талқин қилишар, ҳар ҳолда кўча-кўйда: «Ҳа ошна! Қалай?» қабилда саломаликлар қулоққа тез-тез чалиниб туради.

Аслида «ошна» «ош» ва «нон» сўзлари бирикмасидан таркиб топган бўлиб, дўстлашишда таъмагирлик бўлиши шартлигига ишора қилади. Кимсанинг ошига, нонига, пулига, мансабига, чиройига, мавқеига қараб ёки бирор манфаатни кўзлаб «дўстлашиш» «ошнолик» дейилади. Бундай сохта дўстлик арзимас нарсанинг олди-бердиси туфайли тезда «оқибатсизлик»ка ай-

— Ордона қолсин, мен йигирмата бўрсилдоқ ширмой нон билан беш метр штампил оборувдим. Буни қаранг, овсинжон, ўнта суви қочган буличкаю бир сиқим қанд. Мана бу читни бошимга урамани?

— Тўй қипсан, қипсан, ҳа ярашиғинг билан қил-да!

— Қурумсоқ бўлмай кет!

Автобус тўхтади. Манзилимга етганим учун тушиб кетдим, аммо бу воқеа ҳаёлимдан сира нари кетмасди. Ҳамма гап шу икки аёлнинг тўй қилувчига нисбатан сохта дўстлигида, олиб келган нарса эвазига тузукроқ қайтариқ олиш умидида эканлигида. Нарса олди-бердидан кўнгли тўлмаганлиги учун ғийбат қилиш, жамоатга эшиттириб тўй қилувчига адоват изҳор этиш уят эмасми?

Халқимизнинг яхши одатларига ёмон тус берувчи, ижобий нарсани асаббузарликка айлантирувчи кимсалар ҳали ҳам учраб туради.

Бундай ёқимсиз ҳолатларга қарши курашиш, «манфаатли дўстлик» юзага келишини олдини олиш керак.

Камола АХМЕДОВА

Миллоддан аввалги 1500 йили Мисрда кўёш соатлари ихтиро қилинди. Замонлар оша 1686 йилга келиб эса инглиз физиги Исаак Ньютоннинг «Натурал фалсафанинг математик ибтидои» асари чоп этилди. Асарнинг эътиборли томони шундаки, унда олим илк маротаба абсолют вақт ва абсолют макон ҳақидаги тушунчаларга батафсил изоҳ берди, уларни чуқур таҳлил этди. Орадан қарийб яна 300 йил ўтиб, яъни 1970 йилда инсониятнинг вақт билан боғлиқ мукаммал ихтироси — рақамли қўл соати кашф қилинди. Ушбу ҳодисалар бир нарсани ойдинлаштиради, яъни инсоният азал-азалдан вақт моҳиятини тушуниш, унинг қадрига етишга ҳаракат қилган. Шу сабаб ҳам бугун вақт ҳамда тезлик ҳодисалари биз яшаётган дунёнинг энг асосий ва бошқарувчи омилларидан бирига айлангани бежиз эмас.

ТАСАВВУРГА СИГНАС ЖАДАЛЛИК

Замонлар ўзгаргани сари вақт таърифи ҳам ўзгариб бораётгани ажабланарли ҳол.

Масалан, америкалик социолог ва футуролог олим Элвин Тоффлер инсон фаолияти туфайли Ер қуррасида содир бўлаётган жараёнлар, жамият тараққиёти босқичларини таҳлил қилар экан, уларни учта цивилизацияга ажратади.


— Рамзий маънода бу цивилизацияларни омон, ишлаб чиқариш дастгоҳи ва компьютерга қиёслаш мумкин, — деб таъкидлайди у.

Яна бир тадқиқотчи, британиялик физик олим, Нобель мукофоти соҳиби Жорж Томсон «Биз яшаб турган олам тез суръатларда йўқолиб борувчи воқелиқдир. Неолит даври одамлари қишлоқ ҳўжалигидан қанчалик беҳабар бўлган бўлса, яқин ўтмишда яшаб ўтган инсонларнинг бугунги жараёнлар тўғрисида тасаввур қилиши ҳам шунчалик қийин бўлган», деган фикрни билдирди.

Олимларнинг сўзларига қараганда, агар инсоният пайдо бўлган илк даврдан то бугунги кунгача бўлган ҳаётни битта фильм деб олсак, ҳозирда кузатилаётган жараёнлар кинонинг тезлашиб кетган кадрларига ўхшайди. Гўё кашф этилиши кейинроққа мўлжалланаётган ускуна вақтидан илгари ихтиро қилиб қўйилган. Ёки худди одамлар вақт машинаси ёрдамида мозийдан келажакка тушиб қолгандай гап бу. Чиндан, ўзингиз ўйлаб кўринг, яқиндагина, атиги бир неча йиллар олдин фантастик фильмлар орқали одамларни ҳайратга солган кўпгина ҳодисалар (пулт ёрдамида очилиб-ёпиладиган эшиклар, робот-ҳайвонлар, 5D-фильмлар ва ҳ.к.) энди ҳеч ким учун янгилик бўлмай қолди. Мазкур феноменни океанортилик яна бир олим К.П.Сноунинг таърифлаганидек, ўзгаришлар тезлиги шу қадар ошиб кетдики, ҳатто тасаввур ҳам уларнинг ортидан қувиб етолмай қолди.

ЗАМОН НЕГА ТЕЗЛАШИБ КЕТДИ?

Аслида тарихдан маълумки, қадимги тош даври(палеолит)дан то бугунги ахборот жамиятигача бўлган йўлни босиб ўтиш учун инсоният минглаб йиллик даврни бошидан кеч-



қирган. Шунга қарамай, кўп ҳолларда жамиятдаги қарашлар, турмуш тарзи, қадриятларга кучли таъсир қилган давр сифатида сўнгги юз йиллик эътироф этилади. Мана шу вақт мобайнида компьютер, интернет ва ҳатто оммавий

ШОШКАЛОКЛИК ФЕНОМЕНИ

Вақтнинг ўлчов бирликлари (соат, кун, ҳафта, ой, йил) муомалага киргач, «қовун пишиғи», «ўрик гуллаши», «қош қорайиши» билан боғлиқ иб-

фуд) каби сўз бирикмалари турмушимизнинг ажралмас ва муҳим бўлагига айланди. Орқолдига қарамай, ҳаллослаб югуриб кетаётган киши — давримиз одамларининг аксарият қисмини айнан мана шу тимсол орқали яққолроқ тасаввур қилиш мумкин.

«ҚОРНИМ ТЎҚ — ФАМИМ ЙЎҚ»МИ?

«Тезкор замон»да омманинг асосий ахборот манбаи интернет бўлиб қолаётгани ҳайратланарли ҳодиса эмас. ОАВнинг бошқа турларини «оёғидан чалаётган» глобал тармоқ истеъмолчига ахборот узатиш ва қабул қилишнинг энг тезкор, қулай ва ҳамёнбоп усулларини тақдим этмоқда. Одамлар эса нарсасиз-буюм ёки хизматларни танлашда, азалдан мана шу уч хусусиятга таянади. Озиқ-овқатни танлаш масаласида ҳам худди шу қонуниятга амал қилмоқда: ҳар кунги тушлик пайтида «фаст фуд», «бургер», «кукер фуд» сингари ёзувлар билан безалган расталар олдида тўпланиб турган катта ва кичик ёшдаги одамларга дуч келамиз. Улар-

товуш чиқариб турса бўлгани. Дарвоқе, бу улар ёрдамида атроф-оламдан ажралиш, ўз қобилигига ўралиб, воқеаларга бефарқ муносабатда бўлишнинг ўзига хос йўлидир.

«ЭНГ ЯХШИСИ»ГА ИНТИЛИБ

Янги технологиялар ва рақобат маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига ҳам жадаллик олиб кирди. Тез ишлаб чиқариш тез оммалашига, тез оммалашига эса тез урфдан чиқиш, эскиришга сабаб бўлади. Натжижада, янги маҳсулотларга эҳтиёж вужудга келади. Ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайгани сари бу жараён ҳам тезлашиб борди. Бунинг оқибатида қисқа муддатли фойдаланишга мўлжалланган буюмлар кўпайди.

Мисолни узокдан қидириш шарт эмас. Масалан, битта кийимни оиланинг тўнгич фарзандидан тортиб, то кенжасигача, навбати билан кийишгани ҳақидаги ҳикояларни бобобувиларимиздан кўп эшитганмиз. Аммо бугунга келиб, битта чангюткичдан узоғи билан 4 йил фойдаланиш мумкин. Бу ўзига тўқликнинг белгиси эмас, замон тақдим этган туҳфа. Маҳсулот ва уй-рўзғор ускуналарини ишлаб чиқаришда инсонларнинг кундан-кунга ўзгариб бораётган диди, эҳтиёжлари ва қулайликка бўлган интилиши инобатга олиниши аниқ. Қолаверса, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат буюмларнинг такомиллашишига сабаб бўлмоқда. Одамлар эса мудом «энг яхшиси»га интилиб яшайди. Иккита телефон орасидан, турган гапки, имкониятлари кенгроқ ва фойдаланиш учун қулайроғи танланади. Вақт ўтиб, янгисини, янада мукамалроғини харид қилишга интилиш кучаяверади...

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — ХИМОЯЧИМИЗ

Қисқа муддатли фойдаланиш руҳият, тасаввурлар ва дунёқарашимизда ҳам ўз асоратларини қолдириши мумкин. Бугун инсон туйғулари, қадриятлар, қараш ва муносабатлар ҳам вазиятга қараб ўзгариб кетишини ҳам кафолатлаб бўлмайди.

Вақт — бу пул. Таниқли сиеват арбоби Бенжамин Франклиннинг бу иборасини бироз ўзгартириб, вақт — бу ҳаёт, дейиш тўғрироқдир балки. Негаки, йўқолган пул топилиши мумкин, йўқолган вақт — ҳаёт эса қайтмайди. Ҳаётимиз, бутун умримиз ўтиб кетган, ўтиб бораётган ва келиши кутилаётган вақт оралиғида кечади. Бошқача айтганда, ҳамма нарсанинг мавриди «ҳозир» ва «айни пайт»да. Мана шу ҳақиқатни англаган инсонгина ўзини чинакамига бахтиёр ҳис қила олади. Вақтининг озгина қисмини яқин инсонларига меҳр улашиш, эзгулик қилиш учун сарфлаган одам ҳаётда асло ютқазмайди.

Ота-боболаримиз мероси, оила, инсонлар орасидаги илиқ муносабатлар — технологиянинг янги ютуқлари ёки фандидаги оламшумул кашфиётлар бу азалий қадриятларнинг олдида ҳеч нарсасиз эмас. Энг асосийси — жараёнлар тезлигида ўзлимиз ва инсоний фазилатларимизни йўқотмаслигимиз.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири

ВАҚТ ВА ТЕЗЛИК:

АЗАЛИЙ ТУШУНЧАЛАРНИНГ ЯНГИЧА ТАЛҚИНИ

қиргин қуроллари пайдо бўлди. Табиийки, бу одамларнинг табиатида, фикрларида ҳам ўзига яраша эврилишлар содир бўлиши учун замин яратди. Биргина мисол: ҳар қандай интернет фойдаланувчиси Ер юзи пайдо бўлганидан буён инсоният тўплашга муваффақ бўлган билим ва тажрибалар, англаган ҳақиқатларни қисқа фурсат ичида кўздан кечириб чиқиш имкониятига эга.


Биолог Жулиан Хакслининг куйидаги фикри мазкур ҳодисани аниқроқ ифодалайди: «Ёзма тарих вужудга келганидан кейинги тараққиёт ер юзидан одам пайдо бўлишидан аввалги эволюцион жараёнларга қараганда юз минг марта тезроқ содир бўлмоқда».

Дунё олимларини кучли ҳавотирга солиб қўйган тезлашувни ҳамма ҳар хил изоҳлаётди. Масалан, Э.Тоффлер бу ҳодисани транспорт воситалари тараққиёти билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Миллоддан аввалги 6000 йилларда яшаб ўтган одамлар туялар карвонининг ҳаракатланишини энг тезкор деб билган. Бу ибтидоий «транспорт» ёрдамида улар соатига 12 километр масофани босиб ўтган. Эраминдан аввалги 1600 йилларга келиб, қўшғилдиракли арава ихтиро қилинди. Унинг тезлиги соатига 32 километрни ташкил этарди. Тарихий жараёнларни тезлаштириб юборган дастлабки бугли локомотив 1880 йилда ишга туширилган (тезлиги — соатига 160 км.). Бу воқеадан 58 йил ўтиб, аниқроғи 1938 йилда одамзод самолёт ёрдамида соатига 644 километр масофани ортда қолдирадиган бўлди. 60-йилларга келиб, реактив самолётлар тезлиги соатига 6437 километрга етди. Бу эса инсоннинг тезлик ва вақт борасидаги тушунчалари муқаррар ўзгариб кетганидан далолатдир.

раларни қўллашга эҳтиёж қолмади. Бориб-бориб, кўпчилик одамларнинг ҳаёти вақт билан тартибга солинадиган аниқ бир жадвал кўринишини олди. 8-9:00да иш кунининг бошланиши, 13:00да тушлик, 14:00да расмий учрашув ва ҳоказо. Гўё бугунги тезкор замонда бошқача яшашнинг иложи йўқдек. Энг қизиғи, бундай шошқалоқлик турмуш тарзимиз, маданий қарашларимиз ва ҳатто биз истеъмол қилаётган таомларга ҳам борган сари кучли таъсир кўрсатаяпти. Дунёдаги ҳамма нарсасиз, энг аввало, тезкорлик асосига қурила бошланди. «Тезкор» сўзи ижобий сифатлар қаторидан жой олди. «Тез ёрдам», «тезкор(экспресс) поезд», «тезкор хизматлар», «тезкор фотосурат», «тезкор ечим», «тезкор почта», «тезкор интернет» ва ҳатто «тез тайёрланадиган егулик» (фаст-

нинг ҳаммаси вақтини тежаш мақсадида бутерброд, гамбургер, хот-дог, лаваш, донор сингари «ноёб» номлар билан аталувчи егуликни харид қилиш учун навбат кутишмоқда. Таомнинг мазаси, саломатлик учун фойда ёки зарар экани унчалик муҳим эмас. Энг муҳими — бир зумда қоринни тўйдириш.

Санъатнинг бетакрор намунаси ҳисобланиб келган мусиқа ҳам тезкорлик борасида ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидан ортда қолаётгани йўқ. Аввалги сокин, бир маромдаги куй-қўшиқлар ўрнини аллақачон қулоқни қоматта келтирувчи қуруқ шовқин эгаллаб улгурди. (Қулоғига наушник тақиб, мусиқа эшитиб кетаётган ёшлар мисолида). Қўшиқни тушуниш шарт эмас, муҳими — уни тинглаш. Қулоқ ичига муштақкам «ўрнашган» тугмалар




ЮНОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ЭНДИ ИНТЕРНЕТДА

Буюк Британия кутубхонаси томонидан тез орада глобал тармоққа 250дан ортиқ қадимги юнон қўлёмалари жойлаштирилиши маълум қилинди. Ушбу янгилик билан АП электрон манбаси орқали танишиш мумкин. Шу билан бирга, 2012 йилга келиб минглаб кутубхона архивининг яна чорак қисми ҳам интернетда электрон шаклда бўлиши режалаштирилмоқда.

Лойиха куратори, кутубхона илмий ходими Скот Маккендрик интернет фойдаланувчилари барча асарларни махсус электрон саҳифа орқали мутолаа қилиши ва матнларни бепул юклаб олиши мумкинлигини билдирган. Мутахассиснинг сўзларига кўра, мазкур саъй-ҳаракатлар замирида тарихчи, тадқиқотчи ва аънавий тилшуносликни ўрганувчилар учун амалий кўмак бериш мақсади мужассам.

Таъкидлаш жоизки, Буюк Британия кутубхонаси ҳомийлигида бу каби ишларнинг амалга оширилиши биринчи мартаба эмас. Бундан аввал 2009 йили кутубхона ходимлари интернетга энг қадимги юнон қўлёмаларидан бири Синай кодексининг 800 саҳифасини жойлаштиришганди. Лойихани амалга ошириш жараёнида Буюк Британия кутубхонаси билан биргаликда 4 йил давомида Лейпциг университети ва Синай ибодатхонаси қошидаги кутубхоналар иш олиб борган.

Маълумотларга қараганда, интернетга яқин фурсатда жойлаштириладиган китоблар орасида 1844 йили Афон тоғи яқинидан топилган Эзоп масалларининг асл нусхалари матни ҳам бор. Қолаверса, фойдаланувчилар VII аср охири – VIII аср бошларида Линдисфарндан топилган қадимги суратли диний қўлёмаларни ҳам кўриш имконига эга. Яна Леонардо да Винчи томонидан яратилган бир қанча чизма ва тасвирлар кутубхона электрон саҳифасидан жой олган.



БУ ГАЛ САМАРАЛИ БЎЛАДИ(МИ?)

Олимлар грип্প касаллиги вирусига қарши ўзига хос дори воситаларини яратиш арафасида экани ҳақидаги мақола «Сайнс» илмий журналда чоп этилди. Сабаби, мутахассислар вирус таркибидаги оксиллардан бирининг аниқ тузилишини ўрганишга муваффақ бўлди. Бунинг натижасида эндиликда унинг турли шакллардаги ўзгариш(мутация)ларини олдиндан аниқлаш ва шу асосда ҳақиқатдан ҳам самарали дори-дармонларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилиши режалаштирилмоқда.


Мустақил равишда изланиш олиб борган икки гуруҳ олимларнинг иши мавсум пайтида одамларга хавф туғдириши мумкин бўлган вирус тури ёки унинг энг хатарли шаклларини (H1N1 чўчка гриппи каби) тез аниқлашга имкон яратади. Боиси, соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар бир мавсумда самарали дея тавсия этган дори воситаси кейингисида вируснинг шиддат билан мутацияга учраши туфайли таъсирга эга бўлмай қолади.

Қолаверса, вируснинг шаклан ўзгариб бориши қасалликка қарши узоқ муддатдан бери фойдаланиб келинадиган иккита модда — ремантадин ва амантадиннинг таъсир кучи буткул йўқолишига сабаб бўлди. Олимларнинг сўзларига кўра, бу дорилар ёрдамида вирус мембранаси юзасидаги М2 оксилнинг фаолияти тўхтатилар эди. Лекин М2 тузилишидаги кичик мутация юқорида тилга олинган дориларни самарасиз қилиб қўйди.

Охири тажрибаларда эса ҳар икки гуруҳдаги олимлар мураккаб молекулаларни ҳосил қилувчи атомлар ядросининг ўзаро таъсирини батафсил ўрганишга ургу берган. Чунки шу йўл билан молекуладаги атомларнинг ҳар бир тури атрофидаги зарраларни ўрганиш ва бунинг ёрдамида молекуланинг тўлиқ тузилишини аниқлаш мумкин бўлади.

Биргам Янг номидаги университет (АҚШ) профессори Дэвид Бусат ва Айова университети олими Мэй Хонг раҳбарлигидаги тадқиқотчилар ўз мақолаларида М2 оксилнинг алоҳида қисмлари тузилишини баён этган. Мазкур маълумотларга таяниб, вируснинг қайси шакллари касалликни кўзгатиш хусусиятини сақлаши, қайси мутациялари эса организмдаги соғлом ҳужайраларга зарар етказолмаслигини аниқлашди.


— Изланиш ҳозирнинг ўзидаёқ кўплаб кимёвий бирикмаларнинг айнан қай бири оксил фаолиятига чек қўйиб, организм ичида унинг кўпайишига йўл қўймаслигини аниқлаш ва зарур дориларни ишлаб чиқишга замин ҳозирлади, — дейди Дэвид Бусат.



ОЙНИНГ НАВБАТДАГИ «СОВФА»СИ

Океанортидаги Аэронавтика ва самовий тадқиқотлар агентлиги(НАСА)га қарашли ҳамда Ой кутубларини тадқиқ этувчи LCROSS ва LRO самовий аппаратлари туфайли бир муддат аввал Ер йўлдошида муз борлигига далил топилганди. Эндиликда зондлар ёрдамида самовий жисм тупроғи таркибида қатор кимёвий бирикмалар мавжудлиги ҳам аниқланди. Уларнинг аксарияти олимлар учун кутилмаган янгилик бўлди, деб ёзади «Нейчэ Геосайнс» илмий нашри.

Мазкур самовий зондлар жорий йил ёзида Ойга чиқарилиб, Кабеус кратери худудидан тупроқ намунаси олинганди. Олимлар томонидан мазкур худуднинг танлангани бежиз эмас. Чунки аввалги тадқиқотларда асосан Ой юзасида сув борлигини далилловчи муз изланаётган эди. Ушбу худудга эса Куёш нурлари тушмайди ва ҳарорат жуда паст бўлиши сабабли музликлар эримасдан сақланиши мумкин.



Журналда келтирилишича, тадқиқотчилар самовий зондларга ўрнатилган махсус ускуналардан олинган маълумотни таҳлил этган. Яқунда улар ис гази (углерод монооксида), молекуляр водород, кальций, натрий, магний, симоб ва аммиак борлигини қайд этишди. Изланишда иштирок этган Жануби-Ғарбий

тадқиқотчилик институти олими Рэндолл Глэдстоун сўзларига кўра, симобнинг аниқланиши улар учун энг катта янгилик бўлди. Бироқ бу ҳолат олимларни қувонтирмади, чунки модданинг захарлилиги учувчиларга келажақда муаммо туғдириши мумкин экан.

Аҳамиятлиси, намуналарда кумуш зарралари ҳам топилган. АҚШдаги Браун университети профессори Питер Шульцнинг таъкидлашича, мазкур моддалар миллиардлаб йил давомида Ойга тушган комета, метеорит ва астероидлар туфайли пайдо бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаблари учун куйидаги электрон ахборот-таълим ресурсларни кўпайтириш (диск шаклда) бўйича танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Электрон ахборот-таълим ресурс номи	Диск сони	Кўпайтирилган диган нусхалар сони	Жами нусхалар сони
1.	Умумий ўрта таълим мактабларининг 1—9 синфлари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларининг электрон нусхалари	1	10 000	10 000
2.	Юксак маънавият — енгилмас куч	2	10 000	20 000
3.	Электрон мультитест ишланмалари	1	1 000	1 000
4.	Имконияти чекланганлар учун ўқув қўлланмаси	1	1 000	1 000

Танлов ўтказиш жараёнлари ва тартиби ҳақидаги қўшма маълумотлар олиш учун иштирокчилар эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10:00дан 17:00га қадар куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

100159, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими, 4-қават, 420-хона, Телефон: (+998 71) 239-88-52, Факс: (+998 71) 239-13-21.

Танлов таклифлари 2010 йил 3 октябрь соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги кириб келаётган янги 2011 йил байрамида ўқувчи болаларга Президент совғаси сифатида бериладиган турли хил ширинликлар ва ўқув қуролларини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендер савдоларида Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган, сифат ва баҳо борасида харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларини ўтказиш жараёнлари, тартиби ҳамда Президент совғаси учун харид қилинадиган ширинликлар ва ўқув қуроллари тўғрисида янада батафсил маълумот олиш учун куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

100159, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Тел: (8-371) 239-41-11, 239-19-58, 239-45-12, 239-16-65
Факс: (8-371) 239-43-11.

Шунингдек, тендерда иштирок этиш истагини билдирганлар Халқ таълими вазирлигига 2010 йил 27 ноябрь соат 15:00дан кечикмаган ҳолда ўз таклифларини тақдим этишлари лозим. Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.

Юнусобод туман халқ таълими бўлими ва бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси 313-мактаб директори

Алишер БОЛТАХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

ИЛМ-ЛА БЕЗАНГАН УМР

Қадимдан илм олишнинг машаққатини игна билан қудуқ қазишга қиёс қилганлар. Нақадар ажойиб ўхшатиш! Чиндан-да неча йиллик изланишнинг самараси ўлароқ, англандан бир сирнинг ортида ундан-да каттароқ, ундан-да муҳимроқ билимлар хазинаси бор. Бир довондан ошиб, иккинчи, учинчи, тўртинчи... Бир-бирдан қизиқ ва ҳикматли уммонларга рўбарў келади одамзод. Ва бу йўллар, беҳад машаққатли бўлса-да, эришилган билим олдида кўзга кўринмайди. Билим олиш шунчалик меҳнат талаб қилса, уни бировларга улашиш, илмга ташна қалбларнинг муродини ҳосил қилиш бундан-да мушқулроқ, назаримизда. Бу ҳақиқатнинг маънисини устозлик мақомини олган, элу юрт хизматида шай шогирду дўстлар орттирган кишилар яхшироқ англайдилар.

Мамлакатимизда бундай шарафга эга устозлар, билим соҳиблари кўп. Педагогика фанлари доктори, профессор Раҳима Мавлонова ҳам ана шундай инсонлардан биридир. У педагогик фаолиятини Тошкент шаҳридаги мактабларда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган. 1958 йилда Тошкент давлат педагогика институтининг "Педагогика ва психология" факультетини имтиёзли диплом билан битирган ёш муаллимнинг илмга, изланишга мойиллигини сезган Қори Ниёзий номидаги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти раҳбарияти уни шу илм даргоҳига ишга таклиф этди. Кўп йиллар давомида турли таълим даргоҳларида фаолият кўрсатиб Республикасининг таълим муассасаларида тажриба-синовлар олиб бориш натижасида "Ўзбекистонда бошланғич таълим на-



зарияси ва амалиёти" мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади, фан доктори илмий даражасига эга бўлди. Ўзбекистонда бошланғич таълим тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этди, аниқлади, унинг шакл ва методлари, ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқди. Булар бошланғич таълим педагогикаси методологиясининг ривожланишига, унинг дидактикасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Илм-фан тараққиётида ўзининг собит ўрнига эга олима Р.Мавлонова бир қанча монография, дарслик ва турли адабиётлар яратишдан чарчамади. Унинг "Бошланғич синф ўқувчиларининг меҳнат тарбияси", "Меҳнат таълими методикаси", "Педагогика касби бўйича бакалаврлар тайёрлаш" каби асарларидан амалиётда кенг фойдаланилмоқда. "Педагогика", "Янги педагогик технология", "Ижтимоий педагогика", "Бошланғич таълимда инновация", "Қиёсий педагогика", "Педагогик диагностика", "Бошланғич таълим методологияси" каби дарсликлари педагогиканинг янги ютуқларига омил бўлмоқда. Тала-

балар учун "Педагогикадан дарслик", "Педагогикадан лаборатория машғулоти", "Педагогика фанини ўқитиш методикаси", "Тарбиявий ишлар методикаси", "Педагогика" каби дарсликлар нашр этилди. Ундан ташқари, 10дан ортиқ методик қўлланма, 100дан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинди.

Талабчан мураббий, бағрикенг инсон профессор Раҳима опа Мавлонова республикамиздаги юқори малакали илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ишларида ҳам ибрат кўрсатиб келмоқда. Унинг илмий раҳбарли-


гида беш нафар фан доктори, 30 нафарга яқин фан номзоди тайёрланди ва улар Республика-миз таълим муассасаларида фаолият юритмоқда. Фарзандлари ҳам унинг изидан бориб, ўғли таниқли олим, фан доктори, қизлари эса педагогика фанлари номзоди, доктори бўлиб, илм тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Олиманинг кўп йиллик мураббийлик ва миллий педагогикамиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвони ҳамда "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

Элу юрт ардоғидаги инсон Раҳима опага биз шогирдлар бахтига соғ-саломат, тетик ва бардам юришини тилаб қоламиз.

Ж.ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари
доктори, профессор,
М.ШИРИНОВ,
ўқитувчи,
М.МИРХАЙДАРОВА,
магистрант

— Илм масканимизда тарих фанига қизиқувчи ўқувчи-ёшлар кўпчиликини ташкил этади, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги 34-мактаб директори Қодирқул Исроилов. — Бунинг сабаби, ушбу фандан маҳоратли муаллим, устоз Деҳқонбой Таслимов сабоқ беради. У ҳар бир дарсга пухта ҳозирлик билан кириши, янгиликларга бой тарзда машғул олиб бориши натижасида ўқувчилар меҳрини қозониб, фидойи меҳнатлари эвазига элу юрт олдида обрў-эътиборга эга бўлди.



ЁШЛАР УСТОЗИ

Деҳқонбой ака ўқувчилигида мактабда тарих фанини чуқур ўрганди ва Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг тарих факультети-

да талаба-лигида билимини мустаҳкамлайди. Деҳқонбой Таслимов ўқишни тугатиб, дастлаб тумандаги иқтидорли болалар лицейида, 4-ва 34-мактабларда тарих фанидан дарс берди. Ўқувчилари "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловининг республика босқичида бир неча бор иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритганлиги, фан олимпиадаларининг туман ва вилоят босқичларидаги фаол иштироки устоз меҳнатлари маҳсулидир.

Халқ таълими аълочилиси Д.Таслимов узоқ йиллар тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари методбирлашмаси раҳбари сифатида ёш мутахассисларга ўз тажрибаларини ўргатиб, маслаҳатларини аямади. Кўп йиллар давомида тумандаги 34-мактабда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари сифатида турли тадбирлар уюштириб, ўқувчи-ёшлар маънавиятини бойитишга ҳаракат қилди. Шу давр мобайнида болалар тарбияси, ўқувчилик одоб-ахлоқига оид "Бола бошидан",

"Оқибат кўтарилмасин", "Меҳридарё муаллим" каби мулоҳазали мақолалари билан матбуотда чиқиш қилди.

— Устознинг ҳар бир мақоласи, тадбирлардаги ҳар бир маърузаси фақат ва фақат ёшлар тарбиясини ривожлантириш, билимини юксалтиришга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятли, — дейди унинг шогирди Қ.Исроилов. — Тажрибали муаллимнинг фаолияти биз учун мактаб. Ундан қанча кўп ўргансак, биз шогирдлар учун шунча фойдали.

Деҳқонбой Таслимов мактабни, ўқувчиларни жон дилдан севувчи устоз, шу билан бирга фарзандлари таълим-тарбиясига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашадиган ота. Шу сабаб, фарзандларининг барчаси одоб-ахлоқли, ўқимишли инсонлар. Тўнғич фарзанди Абдурахим техника фанлари номзоди, ТДТУ доценти, Музаффар Тўйтепа шаҳар электр тармоқлари устаси, қизи Ойшабу йўл қурилиши муҳандиси.

Доимо дарсларни жонли тарзда, ноанъанавий усулларда, қизиқарли ташкил этилган Деҳқонбой муаллим ёшлар таълим-тарбияси йўлида ҳамон изланишда.

Гулбахор АЗИМОВА,
журналист

"Опа, мен дадангизнинг ўқувчиларидан бири — Бахтиёрман, — кутилмаган кўнғироқ мени ҳайрон қолдирди. — Ўзим пойтахтдаман, насиб этса, олий таълим муассасасини иккинчи мутахассислик бўйича тамомлаяпман. Домлам жуда камтар, ажойиб инсон эдилар, ҳамдардлимни қабул қилинг. Қанийди, устозга эришаётган ютуқларимни айтиб хурсанд қила олганимда эди, улар учун энг ажойиб совға шу бўларди".

Мана шундай кунларда яқин инсонимнинг бу оламни тарк этгани ёдимга тушиб, оғир хўрсинарканман, ўз устозини ёдга олаётган яна бир инсон орқали дадамнинг меҳнатлари бесамар кетмаганини англаб, бироз кўнглим таскин топгандек бўлди. Қарийб ўттиз йилдан ортиқроқ вақтини қишлоғимиздаги мактабга, кичкинтойларга бағишлаган падари бузруқворимнинг сиймоси кўз олдимда гавдаланди яна...

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида, ўзини танишида бу камтар, мўътабар зотнинг хизматлари, балки ҳаммиша ҳам у қадар кўзга ташланмас. Лекин ўйлаб қарасангиз, мураббийнинг зиммасида шу қадар катта масъулият борки, у берган билимлар асосида шаклланган, сайқалланган кичкинтойнинг онги келгусида нафақат бир оиланинг, балки бутун юртнинг келажига замин бўлади. Устоз меҳнати-


УСТОЗ ҚАДРЛАГАН ТУХҒФА

нинг самараси, меваси аслида йиллар давомида юзага чиқади.

Шогирдларининг янги-янги қирраларини кашф этиш давомида ҳар куни мана шу ишдан илҳом олаётган, ўқувчиси билан баравар қувониб, ташвишига баравар шерик бўла олган муаллим ҳеч қачон, ҳеч кимга таъма қилмайди.

Яна шуни ҳам ишонч билан айтиш мумкинки, устоз халқининг деярли ҳаммаси инсоний фазилатлари билан дилнингизга завқ берувчи кўнгли кишиси бўлади.

Дадамни мактабда Машарипов домла дея қақришарди. У Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 23-мактабда узоқ йиллар давомида бошланғич синф ўқувчиларига таълим берди. Ҳамиша елкасини камтарона қисганча



Yodnoma

кулиб турувчи бу зотнинг ўқувчилари, қўлига илк бор қалам тутқазган шогирдларининг санаб адоғига ета олмасам керак.

Дадам қайсидир ўқувчиси томонидан соғва қилинган суратни ҳаммиша ардоқлаб, иш столининг устига қўйиб қўйганида уни чизган болага жуда ҳавасим келганди. Чунки ўзимнинг ҳам ҳарф танитган биринчи устозим, маърифат дунёсига етаклаган мураббийим дадам

бўлгани учун унинг энг яхши кўрган шогирди бўлиб қолишни жуда истардим ва дадам билан фахрланиб юрардим. Дадам шогирдлари ҳақида гап кетса, бирининг таниқли шифокор, яна бири ўзи каби муаллим, яна қайсидир ўқувчиси пойтахтдаги олий ўқув юртида та-

лаба бўлганини ифтихор билан гапиришни ёқтирдилар.

Ҳар бир дарсини кўргазмалли қуролларсиз ўтмайдиган дадамнинг ўқувчилари билан тенгма-тенг шеър ёд олишлари-ю, қувонганда бирга хурсанд бўлишлари, сахна кўринишларида биргаликда ролга киришишлари-ю, баъзан кичикинтойларини елкаларида кўтариб олиб руҳлантирганлари, ҳатто уйлари олисроқ болаларни қишнинг қировли кунларида ўзлари эринмай, оиласи бағрига элтиб қўйганлари, эҳтимол, ҳамон шогирдларининг ёдига қолган бўлса, ажабмас.

Назаримда, дадамнинг руҳи ҳамон қадрдон мактабимда хурсанд кезаётгандек... Чунки жажжигина жиянчам у киши таълим берган ана шу мактабнинг биринчи синфида аъло баҳоларга ўқимокда.

Ўзининг камтарона ҳаёти билан биз — фарзандларига ибрат бўлган дадам каби самимий ва юрагимизнинг тўридан жой олган устозларимиз жуда-жуда кўп. Шогирдлар олдидаги қарз эса йилдан йилга сочларига оқ оралаб бораётган мана шу табарруқ зотларнинг қадрига вақтида етиш, уларга ҳаётлигида ҳам эҳтиром кўрсатмақдир. Зеро, ана шу оқарган сочларнинг бир бўлакчасида ҳар биримизнинг ўз "ҳиссамиз" бор, шуни унутмасликнинг ўзи уларга бўлган ҳурматимиздан далолат.

Муҳаббат ШАРИФОВА

ЎЗБЕКИСТОН — ИККИ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Футбол бўйича Аргентинанинг Креспо шахри мезбонлик қилган мундиал юртдошларимиз учун қувончли яқунланди. 16—24 октябрь кунлари ногирон-ампутантлар ўртасида кечган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси қаторасига иккинчи бор шохсупага кўтарилди — чемпион бўлди! Улар шарафига она-юртимиз мадҳияси баралла янграб, байроғимиз музаффар хилпиради.

Нуфузли биринчиликда мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Бразилия, Япония, Украина, Франция, Туркия, Либерия, Салвадор, Гана, Англия, Ангола, Россия, Гаити ва Эрон терма жамоалари ўзаро мусобақалашди.

Эслатиб ўтиш жоизки, одатда мазкур чемпионат ҳар икки йилда бир мартаба ўтказилиши кўзда тутилган, бироқ 2009 йили Бразилияда ўтказилиши белгиланган мундиал мамлакат ҳудудидан содир бўлган фавкулдада вазият туфайли амалга ошмай қолганди.

Аргентинада ўтган биринчиликда ногиронларимиз "В" гуруҳидан ўрин олди ва дастлаб бразилиялик футболчиларни 1:0 ҳисобида енгди. Турнир фаворитларидан бири деб эътироф этилаётган Эрон жамоасига қарши кечган мurosасиз матч жанговар дуранг билан ниҳояланди. Бу вакилларимизнинг плей-офф босқичига чиқишига етарли бўлди.

Кейинги босқичда соккерчиларимиз биринкетинг инглизларни йирик 6:1, иккинчи бор юзмаюз келганда 4:2 ҳисобидан доғда қолдирди. Россия терма жамоасига

Jahon chempionati

қарши ҳам чиройли ўйин намойиш этиб, 3:3 ҳисобини қайд этишди. Ушбу кўрсаткичлар жамоамиз учун ярим финал эшиги очилганини билдирди, албатта.

Ярим финал кўплаб чемпионатларда финал олди финалга тенглаштирилади. Бу ўхшатиш бежиз эмаслигининг ногирон-ампутантлар мусобақасида ҳам яққол шохиди бўлиши мумкин. Энг қизиқи, ҳал қилувчи учрашув оstonасида турган футболчиларимизга бу сафар ҳам принципитал рақиб — Туркия терма жамоаси рўбарў келди. 2007 йили Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Туркияга

қарши тўп суриб, драматик матчда ўзбекистонлик ногирон футболчиларнинг қўли баланд келганди. Шу зайлда турклар реванш олиш, бизнинг жамоа эса галабалар сонини икки карра кўпайтириб қўйиш мақсадида майдонга тушди. Ҳайдарали Турсунбоев ва Павел Сулаймонов номига ёзилган иккита гол якуний ҳисоб 2:1 бўлишини таъминлади. Туркия жамоаси яна финал бусағасида тўхтатил-

ди, яна ўзбекистонлик футболчилар галаба қозонди.

Финалга чиққан терма жамоалар кўпинча хотиржамроқ ўйнашига кўп бора гувоҳ бўлганмиз. Ахир, шундай юксак турнирда финалчи бўлишнинг ўзи улкан натижада. Ҳал қилувчи муҳорабада футболчиларимиз мезбонлар билан куч нашадиган бўлди. Аргентина ампутантлари ҳамда бу борада амалдаги жаҳон чемпионлари — ватандошларимиз ўртасидаги матч кутилганидек шиддатли ҳужумларга бой бўлди. Жамоалар биринчи таймда гўё биринини синаш билан машғул бўлди, дарвоза-

лар дахлсиз қолди. Иккинчи таймда эса ҳар иккала томон ҳам ўз қирраларини тўла-тўқис намойиш этишга киришди. Маҳорат, тажриба ва ватанпарварлик руҳини уйғунлаштиришга эришган футболчиларимизни бўйсундириш учун аргентиналикларнинг мезбон экани ҳам камлик қилди. Ҳайдарали Турсунбоев иккита, Қудрат Худойкулов битта гол муаллифи бўлиб, навбатдаги жаҳон чемпионати финали 3:1 ҳисоби билан интиҳо топишига ўз ҳиссасини қўшди. Ўзбекистон — икки карра жаҳон чемпиони!

Шундан сўнг бир неча таниқли мутахассислар қатори Жаҳон ампутантлар футбол федерацияси (WAFF) президенти Адемир Круз де Алмейда ҳам ампутант футболчиларимиз маҳоратини алоҳида эътироф этиб, уларнинг 2007 йили эришган тарихий галабаси тасодиф эмаслигини мамнуният билан таъкидлади.

Мухтасар айтганда, Аргентина яшил майдонларида юртдошларимиз чинакам спортсеварлик, шунинг баробарида ҳаётсеварлик хислатини намойиш этди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ХУШХАБАРЛАР

Никосия шахрида (Кипр) шотокан каратэ-до бўйича дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан қатнашган спортчилар жаҳон кубоги учун ўзаро баҳслашди. Кувонарлиси шундаки, ушбу нуфузли биринчиликда терма жамоамиз 10та олтин, 9та кумуш ва 6та бронза медал эвазига умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни олди.

Динмуҳаммад Эргашев ката ва кумите бобида олтин медал соҳиби бўлди. Ката борасида ўғил болалар ўртасида Дониёр Усмонов, хотин-қизлар ўртасида Зулхумор Бобоева ва Зумрад Тазетдинова ҳам 1-ўринни эгаллади.

Кумите мусобақаларида Абдукарим Зайнобиддинов, Сардор Ширинбоев, Севара Абдулҳакимова ва Нодира Жуманиёзова олтин, жиу-кумите бўйича оғир ва мутлақ вазн тоифаларида Фахриддин Батосhev бир жуфт олтин медални қўлга киритди. Сардор Ширинбоев, Феруз Холиёров ва Иброҳим Ойназаров ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Малайзияда Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан ўсмирлар ўртасида кечган халқаро теннис турнирининг жуфтлик матчларида юртдошимиз **Сабина Шарипова** россиялик **Анна Тюлпа** билан бирга бош соврин соҳибасига айланди.

Улар бельгиялик спортчилар **Мария Веноит** ва **Дебора Керфсни** 6:3, 6:3, ҳиндистонлик **Совжания Бависетти** ва **Орзу Маликин** 4:6, 7:6, 10:5, австралиялик **Никол Хойнаски** ва италиялик **Канделария Седано-Акоштани** 6:3, 6:0 ҳисобида енгди. Финалда бошқа бельгиялик теннисчилар — **Жюстин Де Саттер** ва **Элке Лемменсга** қарши кортга чиқиб, 7:6, 6:3 ҳисобида муваффақият қозондилар.

Агадир шахрида (Марокаш) дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда 80га яқин давлатдан 596 нафар спортчи голиблик учун курашди. Уларнинг орасида полвонимиз **Рифат Раҳматуллаев** бронза медалига сазовор бўлди.

66 кг. вазн тоифасида беллашган ватандошимиз **Р.Раҳматуллаев** 3-ўрин учун кечган баҳсда тунислик **Ҳошим Ҳалфоулий** ҳамда Россия шарафини ҳимоя қилган полвон **Арсен Толасев** курагини ерга теккизди.

Osiyo chempionati

уммонлик тенгдошларини 5:1 ҳисобида енгди.

Мазкур гуруҳдаги иккинчи матч ҚХДР ва Сурия ўсмирлар терма жамоаси ўртасида ўтказилди ва унда 1:1 ҳисоби қайд этилди.

Қолган учрашувлар натижалари қуйидагича кўриниш олди: **"С" гуруҳида** Австралия — Шарқий Тимор 5:0, **"D" гуруҳида** БАА — Кувайт 0:0.

МУХБИРИМИЗ



РЕКОРД ТАКРОРЛАНДИ

Швейцариялик машҳур теннисчи **Рожер Федерер** теннис бўйича Стокгольм шахрида ўтказилган АТР таснифига кирувчи нуфузли турнирда галаба қозониб, фаолияти мобайнидаги 64-ютуғини нишонлади.

Ҳал қилувчи матчда Федерер олмониялик **Флориан Майер** устидан икки сет натижасига кўра, 6:4, 6:3 ҳисобида устунликка эришди. Учрашувнинг биринчи партияси аввалида Рожер рақибдан 4:3 ҳисобида ортда бораётганди. Бироқ воқеалар ривожига кўра, Федерер ҳисобни ўз фойдасига ҳал қилишга эришди.

— Стокгольм турниридаги галаба мен учун катта аҳамиятга эга, — деди 18 мамлакатдан қатнашган теннисчилар орасида энг кучли номини олган **Р.Федерер**.

Мазкур соврин туфайли 29 ёшли швейцариялик теннисчи америкалик афсонавий теннисчи **Пит Сампрасга** тенглашиб олди.

ЙИРИК ҲИСОБДА МАҒЛУБ БЎЛДИ

Охири пайтларда футбол клублари мухлисларга йирик ҳисобларни тақдим этмоқда. Хусусан, Голландия эредивизионнинг 10-турида **ПСВ "Эйндховен"** жамоаси **"Фейеноорд"** дарвозасига наҳд 10та гол киритди.



Жонатан Рейснинг хет-триги, Балаш Жужак ва Жермейн Ленс ҳисобида ёзилган дубллар, Орландо Энгелаар ва Ола Тойшоненнинг биттадан голи, шунингдек, Мартенс Индиннинг автоголи эвазига **ПСВ "Эйндховен"** тарихий галабани қўлга киритди. Ҳатто

энг кучсиз чемпионатларда ҳам бундай натижалар камдан-кам қайд этилади.

"Фейеноорд" охири марта бундай ноҳуш ҳолатга 1983 йили "Аякс"га қарши учрашувда учраганди. Ушанда амстердамликлар 8:2 ҳисобида зафар кучишган.

АЙВЕРСОН ЭНДИ ТУРКИЯДА

Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА)нинг машҳур ўйинчиларидан бири **Аллен Айверсон** душанба кuni Туркиянинг «Бешиктош» жамоаси билан шартнома имзолаш учун **Истанбулга йўл олади**, деб маълумот берди «Ажанс спорт» манбаси.

1 июнда 35 ёшли қаршилаган америкалик ҳимоячи МБА таркибида 14 мавсумни ўтказган. Шунингдек, у 914та матчда иштирок этган ва жами 24 368 очко жамғаришга муваффақ бўлган. У 10дан ортиқ мавсумни «Филадельфия» жамоаси таркибида ўтказди. 2001 йили Аллен ҳатто лиганинг "Энг қиммат ўйинчиси" номини олганди.

«Филадельфия» клубидан сўнг Аллен гранд жамоалар саналган — «Денвер», «Детройт» ҳамда «Мемфис» таркибида ўйнади.

Туркия ОАВнинг маълумот беришича, Айверсон «Бешиктош» билан икки йиллик шартнома имзолаш ниятида. Унга йил давомида, ҳозирги тахминларга кўра, 1,5 миллион евро маош тўланади.

БРИГТС ОХИРИГАЧА КУРАШМОҚЧИ

Украиналик таниқли боксчи **Виталий Кличко**га имкониятни бой берган америкалик боксчи **Шеннон Бриггс** профессионал боксдаги фаолиятини яқунлашга рози бўлмади. У ҳали ҳаммасига қайтадан эришиш мумкинлигига ишонмоқда.

38 ёшли боксчининг айтишича, у рингга чиққанида ўзида янги, қўшимча куч пайдо бўлади. Бироқ у аввал чап қўлдан олган жароҳати туфайли жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказиши лозим. Мазкур кўнгилсиз ҳолат **Кличко** билан ўтказилган жангда юзага келганди.

WBC таснифидаги чемпионлик камари учун курашишдан чарчамаётган экс-чемпион Бриггс ихтиёрида жароҳатидан фориг бўлиб олиш учун 6 ҳафта мuddат бор.

Ш.НАРЗУЛЛАЕВА тайёрлади.

БИР ҒАЛАБА ВА БИР ДУРАНГ

Футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги ўн тўртинчи **Осиё** чемпионати қитъамизнинг 16 мамлакатини терма жамоаси иштирокида давом этапти. Пойтахтимиз иккинчи мартаба мезбонлик қилаётган мазкур биринчиликнинг дастлабки босқичида ватандошларимиз Индонезиядан келган тенгқурларини 3:0 ҳисобида енгди.



"Пахтакор" стадионида "А" гуруҳи вакиллари куч синатиши белгиланган. "А" гуруҳидан ўрин олган ватандошларимиз жорий йилда ўз олдиларига келгуси йили Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионатида


йўлланма олишдек юксак мақсадни қўйишган. Маълумки, бундай қимматли лицензиялар бор-йўғи 4та жамоага насиб этади.

"А" гуруҳидаги иккинчи матч Тожикистон ва Иордания ўсмирлар тер-

ма жамоалари ўртасида ўтди. Уйин жанговар дуранг (1:1) билан ниҳояланди.

Кеча ўзбекистонлик ўсмирлар 2-тур учрашувлари доирасида Иордания футболчиларига қарши тўп сурди ва дурангга имзо чекишди — 0:0. Шунга қарамай, вакилларимиз ўз гуруҳида пешқадам бўлиб турибди.

Осиё чемпионатининг "В" гуруҳидан жой олган жамоалар дастлабки тур учрашувларини "Жар" стадионида ўтказди. Мусобақанинг амалдаги чемпиони Эрон ўсмирлари



ЎҚУВЧИЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Пойтахтимиздаги Республика ўқувчилар саройи ўғил-қизлар дарсдан сўнг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан



2010-yil — Barkamol avlod yili

ўtkazadigan maktabdan tashqari ta'lim muassasasi hisoblanadi. Muassasada ёшларнинг ўз қобилиятини намоён этиши, касб-хунар эгаллаши учун барча шароитлар яратилган.

Ушбу мактабдан ташқари таълим муассасасида ташкил этилган турли йўналишдаги 45 тўгаракка 2 минг нафардан зиёд ўқувчи жалб қилинган. Ўқувчи-ёшларга етмиш нафардан зиёд малакали мураббий касб-хунар сирларини ўргатиб келмоқда.

Суратларда: Республика ўқувчилар саройи фаолиятдан лавҳалар.

Отабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-922. Tiraj 25956. Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir: Bashorat OTAJONOVA Navbatchi: Sherall NAMOZOV

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi. belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rtta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.00. ʻZa naxuni — 22.15